КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИГА ОФАРИН!

ВАТАН, ПАРТИЯ ТОПШИРИҒИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 144 (12.497) | Жума, 21 июнь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Азиз Валерий Федорович Биковский ва Валентина Владимировна Терешкова ўртоқлар, сизларни космосда биргаликда қилинган янги парвоз муваффақиятли тугалланганлиги билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Ватан совет халқининг шуҳратини оширган ва фанни бойитган буюк зафарингиз билан фахрланмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1963 йил 20 июнда КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВнинг «Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом этди.

Эрталабки мажлисда К. Т. МАЗУРОВ (Белоруссия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), С. П. ПАВЛОВ (ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари), М. В. КЕЛДИШ (СССР Фанлар академиясининг президенти) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум Марказий Комитет Пленумининг қарор лойиҳасини тайёрлаш учун ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ раислигида комиссия сайлади.

Кечки мажлисда Г. Н. ЧУХРАЙ (кинорежиссер), Ш. Р. РАШИДОВ (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

Н. С. ХРУШЧЕВ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ВАЛЕНТИНА ТЕРЕШКОВА БИЛАН ГАПЛАШДИ

19 июнда Москва вақти билан соат 15 дан 10 минут ўтганда жаҳонда биринчи аёл-космонавт В. В. Терешкова ерга қўнган жойдан КПСС Марказий Комитети Пленумининг мажлислари давом этиб турган Кремлга телефон қоқдилар ва Валентина Терешкова телефон олдида турганини ҳамда космосга қилган парвози тугалланганлиги тўғрисида маълумот беришни истаганини хабар килдилар.

Телефон ёнига ўртоқ Н. С. Хрушчев келди.

Телефон орқали қилинган суҳбат қуйида босилади.

Н. С. Хрушчев. Алло, салом Валя!

В. В. Терешкова. Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Министрлар Советининг Раиси, Сизга қуйидагиларни маълум қиламан: Ер атрофидан кўп марта айланиб учиш муваффақиятли тугалланди. Учиш топшириғи тўла бажарилди. Белгиланган районда қишлоқка яқин жойга қўндим. Жароҳатланганим ва лат еганим йўқ. Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

Н. С. Хрушчев. Сизни табриклаш билан жуда хурсандман. Бу ерда Брежнев, Микоян, Косигин, Шверник ўртоқлар — Марказий Комитет Президиумининг барча аъзолари бор. Ҳаммамиз бениҳоя хурсанд бўлиб, Сизни табриклаймиз ва ўз гражданлик бурчингизни шараф билан адо этганлигингиз туфайли қутлаймиз. Сиз ўз парвозингиз билан Ватанимизнинг шуҳратини оширдингиз ва совет аёлининг шаънини янада юксак даражага кўтардингиз.

В. В. Терешкова. Раҳмат, Никита Сергеевич, самимий сўзларингиз учун раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Овозингиз жуда тетик эшитиляпти, гўё кечки зиёфатдан қайтиб келганга ўхшайсиз.

В. В. Терешкова. Бу ернинг одамлари мени жуда самимий кутиб олдилар, русчасига нон-туз билан кутиб олдилар, мени яхши зиёфат қилдилар.

Н. С. Хрушчев. Демак, нон-туз билан кутиб олдилар ва яхши зиёфат қилдилар денг?

В. В. Терешкова. Ҳа, зиёфат қилдилар.

Н. С. Хрушчев. Жуда соз бўпти.

В. В. Терешкова. Ерга яхши қўндим, ўтлоқ ер теп-текис экан. Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

Н. С. Хрушчев. Ҳеч қандай лат еганим йўқ денг?

В. В. Терешкова. Бурним сал кўкариб қолди.

Н. С. Хрушчев. Бурним сал кўкариб қолди, денг?

В. В. Терешкова. Ҳеч қиси йўқ, тузалиб кетади!

Н. С. Хрушчев. Ҳа, тузалиб кетади! Ўзингизни яхши ҳис этаётганлигингиздан жуда хурсандмиз. Врачлар сизни кўздан кечирсинлар, дам олинг. Москвага қайтиб келганингизда Сизни муносиб кутиб оламиз, Сизнинг шарафингизга жуда катта тўй-томоша ўтказамиз.

В. В. Терешкова. Ғамхўрлигингиз учун Сизга чин қалбимдан катта раҳмат. Мен космосда гапларингизни жуда аниқ эшитиб турдим, алоқа яхши йўлга қўйилган эди.

Н. С. Хрушчев. Мен ҳам гапларингизни яхши эшитиб турдим ва порлаб турган чеҳрангизни телевидение орқали кўрдим. Бу ҳол бизга далда берди, учиш вақтида ўзингизни яхши ҳис қилаётганлигингизни, спортчилар айтганидек, авжи кучга тўлиб турганингизни кўрдик. Энди дам олишга муҳтождирсиз?

В. В. Терешкова. Ҳа, докторлар мени ҳордиқ чиқариш учун олиб кетадилар. Сизга яна бир марта катта раҳмат, Никита Сергеевич. Ҳукуматнинг ҳамма аъзоларига менинг катта саломимни ва дўстларимнинг саломини топширгайсиз.

Н. С. Хрушчев. Раҳмат, биз Пленумда саломингизни айтиб берамиз. Ҳозир танаффус, соат 4 да эса мажлис яна бошланади.

В. В. Терешкова. Пленум номидан табриклаганлигингиз учун катта раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Пленум Сизни зўр шодлик билан табриклади. Сиз ерга қўнганингизда, биз бу тўғрида хабар бердик, Пленум қатнашчилари ўринларидан туриб Сизни табрикладилар ва парвозни муваффақиятли тугаллашингиз муносабати билан хурсандликларини изҳор қилдилар.

В. В. Терешкова. Раҳмат, катта раҳмат!

Н. С. Хрушчев. Кўришгунча хайр, Валентина Владимировна!

В. В. Терешкова. Кўришгунча хайр, Никита Сергеевич!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Пленумнинг 19 июнь эрталабки мажлисида КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Юсупов** минбарга чиқади.

— Марказий Комитетнинг бу Пленуми,— дейди у,— Коммунистик партия ва совет халқининг тарихига жуда муҳим воқеа бўлиб киради. Партиямизнинг ҳаёти ва фаолиятида ленинча услуб Ленин вафотидан кейин ҳеч қачон кейинги йиллардагидек тўла ва ёрқин рўёбга чиқмаган эди. Идеология иши масалаларини муҳокама қилмоқ учун Марказий Комитет махсус Пленумининг чақирилиши янги кишини тарбиялаш каби мураккаб проблемани ҳал этишда ленинча традицияларнинг давом эттирилиши ва ривожлантирилишидир.

Ўртоқ Юсупов ўз нутқида айтадики, Қозоғистонда меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Қозоқ халқининг қардош Ўзбекистонга ўттизта пахтакор колхоз ва совхозни, уч миллион гектардан кўпроқ ерни топширганлиги интернационализм, халқларнинг қардошларча дўстлиги идеяларини амалга оширишнинг ажойиб намуналаридан биридир. Бизда, деб уқтириб ўтади ўртоқ Юсупов, ҳар бир меҳнаткаш шундай муҳокама қилади: у ёки бу ер участкасининг қайси республикага қарашли бўлиши муҳим эмас, бу участкадан Ватаннинг бахт-саодати учун яхшироқ фойдаланиш мухимдир, бизнинг Ватанимз битта, у ҳам бўлса улуғ Совет Иттифоқидир!

Нотиқ қозоғистонликларнинг ажойиб интернационал дўстлигидан ёрқин мисоллар келтиради. Ленин номли совхозда рус Киричев, белорус Баранчук, немис Штоль, хуллас 15 миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб ишламоқдалар. Улар ўз хўжаликларини илгор хўжаликлар даражасига кўтардилар. Республиқадаги илгор корхоналарнинг бири—Усть-Каменогорск қўрғошин-рух комбинатида ишчи Гусман Иброҳимов халқ мулкини ёнғиндан сақлаш вақтида қуйиб, ўлим хавфи остида қолган эди. Рус Тимофеев, қозоқ Бахтибоев, татар Шамсиддинов ва комбинатнинг бошқа неча ўнлаб ишчилари унга ўз терилари ва қонларини бериб, жонини сақлаб қолдилар. Улар болаларнинг отаси, хотиннинг эри, Ватаннинг содиқ фарзанди жонини сақлаб қолдилар.

— Биз, совет кишилари буни коммунизм қурувчисининг амалдаги ахлоқ кодекси деб: «Киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар!» деган муқаддас принципимизнинг рўёбга чиқарилишидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз, дейди нотиқ.

И. Юсупов ёш саноат шаҳри — Экибастуз шаҳри меҳнаткашларининг ажойиб бир тажрибаси тўғрисида гапиради. Улар «Болалар тарбияси учун ҳар биримиз жавобгар» деган шиор остида ўз шаҳрини коммунистик тарбия шаҳрига айлантиришга аҳд қилдилар. Коммунистик меҳнат бригадалари коллектив етакчи бўлдилар. Мактаб дўстлари бўлган минг-минглаб жамоатчилар ўқувчиларнинг уйларига бориб, ота-оналари билан суҳбат қилиб турадилар. Бунинг натижасида кончилар шаҳрида болалар назоратсизлигига барҳам берилди. Кўчанинг ёмон таъсирига чек қўйилди. Мактабларда ўзлаштириш анча яхшиланди.

Нотиқ АҚШ ва бошқа империалистик давлатлардаги буржуа матбуотининг Қозоғистон тўғрисида разил уйдирмалар тўқиётган туҳматчиларига кескин зарба беради. Совет Қозоғистони — чет Шарқдаги мамлакатлар учун чинакам машъалдир. Қозоғистон республикаси саноат ишлаб чиқариши даражаси жиҳатидан Осиё мамлакатларинигина эмас, балки Европадаги ривож топган бошқа кўпгина капиталистик давлатларни ҳам орқада қолдирди. Қозоғистон республикасида революциядан илгариги даврга нисбатан 72 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Қисқа вақт ичида қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Қозоғистоннинг экин майдонлари 22 миллион гектар кўпайди. Бу муваффақиятлар Ватанимиздаги барча қардош республикаларнинг ва, аввало, улуғ рус халқининг бебаҳо ёрдами туфайли қўлга киритилди.

КПСС Куйбишев саноат область комитетининг биринчи секретари **А. М. Токарев** қуйидагиларни айтади:

— Идеология ишини янада такомиллаштириш, меҳнаткашларга сиёсий тарбия бериш — социалистик ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантиришнинг энг қудратли резервларидан биридир.

Куйбишев область партия ташкилоти Марказий Комитетнинг асосий талабини, яъни хўжалик, совет ва партия ташкилотлари айрим раҳбарларининг идеология ишига жохилларча ва назар-писанд қилмай қарашларига барҳам бериш талабини ўз фаолияти учун асос қилиб олди. Ҳозирги вақтда кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари ишчилар ўртасида мунтазам суратда сиёсий темаларда доклад қилмоқдалар, уларнинг уйларига бориб, оила аъзолари билан суҳбатлашмоқдалар. Бу эса, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат интизомини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Область партия ташкилотлари, деб таъкидлайди нотиқ, ташкилотчилик иши билан идеология ишини чамбарчас боғлаб олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги вақтда партия комитетлари амалга ошираётган барча тадбирлар тармоқ бўлимлари томонидан идеология бўлимлари ва партия органлари бўлимлари ходимлари билан маҳкам боғланиб тайёрланмоқда. Ўртоқ Токарев айтадики, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичевнинг докладида ишлаб чиқаришда кишиларнинг ташкилотчиси ва мураббийси бўлган мастернинг роли жуда тўғри кўрсатиб берилди. Областда саноат корхоналаридаги барча мастерлар мунтазам суратда аттестациядан ўтказила бошлади. Бунда мастерларнинг ишчанлик хислатларигина эмас, балки маънавий-сиёсий хислатлари, кишилар билан пухта ишлай олиш маҳоратлари ҳам эътиборга олинади. Корхоналарнинг раҳбарлари мастерларни тарбиялаш масаласи билан кўпроқ шуғуллана бошладилар. Натижада мастерларнинг жавобгарлик ҳислари кучайди.

Область партия ташкилоти олиб бораётган идеология иши, дейди ўртоқ Токарев, саноат, транспорт корхоналари ва қурилишларнинг ишларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Областдаги корхоналарнинг коллективлари 1962 йилда асосий сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича социалистик мажбуриятларини оширио бажардилар. Шу йилнинг дастлабки беш ойи давлат плани муддатидан илгари бажарилди.

Ўртоқ Токарев ўз нутқида ёшлар ўртасида сиёсий-тарбия ишига катта эътибор берди. У айтадики, область партия ташкилоти ёшлар тарбиясини тубдан яхшилаш учун керакли тадбирларнинг ҳаммасини кўрганича йўқ. Ёшларнинг бир кисми ўртасида текинхўрлик, ижтимоий ҳодисаларга баҳо беришда нигелизм, ўз оилавий вазифаларини бажаришга енгилтаклик билан қараш каби ҳоллар ҳали барҳам топган эмас. Нотиқ мактабларда тарбия ишларини уюштиришдаги катта нуқсонлар, ишлаб чиқариш коллективларининг ёшларга етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, оилада тарбия ишининг ёмон қўйилганлиги бунинг асосий сабабларидир, деб ҳисоблайди.

Область партия комитети ёшлар ўртасида тарбия ишини кучайтириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқди ва бу тадбирларни амалга оширмоқда. Мактабнинг оила билан ва ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланмоқда, ишлаб чиқариш коллективларининг мактабларни оталикка олишлари яхшиланмоқда. Олий ўқув юртларида таълимни тадиқот ишлари билан бирга қўшиб олиб боришга катта эътибор қилинмоқда. Бу эса, ўқиш процессини янги мазмун билан тўлдиради ва уни амалий иш негизига куради, ёшларни ишга ижодий муносабатда бўлишга, меҳнатни севишга ўргатади. Шу билан бирга педагог кадрларнинг таълим учунгина эмас, балки ўқувчи ёшларни юксак ғоявийлик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш учун ҳам жавобгарлиги оширилди. Шу муносабат билан ўқитувчилар ўртасида тарбия иши кучайтирилди, ўқитувчи кадрлар танлаш анча пухта уюштирилди.

Партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари структураси ҳамда фаолиятини Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қарорига мувофиқ қайтадан қуриш, деб таъкидлайди ўртоқ Токарев, партия органларининг оммага сиёсий ва ташкилий раҳбарлик қилиш соҳасидаги ўз бурчларини яхшироқ бажаришлари учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди.

(Давоми иккинчи бетда).

Н. С. ХРУШЧЕВ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ В. Ф. БИКОВСКИЙ БИЛАН ГАПЛАШДИ

Космонавт В. Ф. Биковский ерга қўнганидан кейин ўртоқ Н. С. Хрушчев 19 июнь соат 16 дан 48 минут ўтганида у билан гаплашди.

Ёзиб олинган шу суҳбат қуйида келтирилади.

В. Ф. Биковский. Никита Сергеевич, Сизга қуйидагиларни маълум қилишга ижозат бергайсиз: космонавт учувчи подполковник Биковский жонажон Еримизга эсон-омон келиб қўнди. Шикастланганим ва лат еганим йўқ, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман.

Н. С. Хрушчев. Валерий Федорович, Сизни шундай ажойиб парвозни муваффақиятли тугаллашингиз билан табриклайман ва Сиз қаҳрамонона парвозингиз билан Ватанимизнинг шуҳратини оширганлигингиз учун Сизга ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қиламан. Бу—ишимиз, коммунизм қуриш йўлидаги кураш ишига қўшилган катта ҳиссадир. Халқ Сиз билан ғоят фахрланмоқда. Москва Сизни муносиб кутиб олиш учун тайёрланмоқда.

Сизга сиҳат-саломатлик, бардамлик тилайман, яхши дам олинг. Москвага келганингизда, Сизни қаҳрамон сифатида кутиб оламиз.

В. Ф. Биковский. Сизга жуда катта раҳмат, Никита Сергеевич!

Н. С. Хрушчев. Сизни партия аъзолигига қабул қилинганлигингиз билан табриклашга ижозат бергайсиз. Сиз космосда бўлган вақтда партия сафига қабул қилинган биринчи комсомолсиз.

В. Ф. Биковский. Никита Сергеевич, Сизга катта раҳмат. Мен партиянинг ишончини оқлайман.

Н. С. Хрушчев. Овозингиз жуда бардам, ҳеч қандай лат емаганингизни овозингиздан сезиб турибман.

В. Ф. Биковский. Аҳволим жуда яхши, Никита Сергеевич.

Н. С. Хрушчев. Сиз қаерга қўндингиз?

В. Ф. Биковский. Кўкчетов областида.

Н. С. Хрушчев. Кўришгунча хайр, Сизни Москвада кутяпмиз.

В. Ф. Биковский. Кўришгунча хайр, Никита Сергеевич, соғ бўлинг.

Н. С. Хрушчев. Кўришгунча хайр. Соғ бўлинг.



ОЛТИ БАҲОДИР, ОЛТИ ҚАҲРАМОН.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи бетда).

Партия Марказий Комитетининг Пленуми идеология иши масалаларини муҳокама қилаётганлигидан ҳаммамиз ғоят мамнунмиз, деди «Известия» газетасининг бош редактори **А. И. Аджубей** ўз нутқида. Нотиқ партиянинг сўнгги ўн йил ичидаги фаолиятини тавсифлаб берди. У шуни эслатиб ўтдики, ўн йил муқаддам Сталиннинг вафотидан кейин буржуа матбуоти ва буржуа сиёсатчилари «Россия ичида емирилиш бошланади», деб жар солган эдилар. Ўн йил муқаддам кўп нарса ғоят мураккаб эди, дейди сўзини давом эттириб Аджубей, мана шу ўн йил ичида қандай яшаганимизни, нималарни ўрганганимизни бир эслайлик, ҳақиқатан ҳам кўп нарсани: конкрет ишлашни, ишчанликни, ростгўйликни, дадилликни ўргандик. Биз Ленин васиятлари асосида яшадик ва шунинг учун ҳаммамиз енгил нафас ола бошладик. Биз партиянинг ленинчи штабидан — Марказий Комитет Президиумидан. Биринчи секретариимиз ўртоқ Н. С. Хрушчевдан таълим олдик.

Партия қудратли, яшнаётган, бахтиёр коммунистик жамиятни барпо қилиш тўғрисидаги идея амалга оширилаётган, коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилаётган пайтдагина марксча-ленинча назария чинакам ривожланади, деб таълим бериб келди ва таълим бермоқда. Бу тўғрида партия XXII съездида, КПСС янги Программасида ғоят образли қилиб аниқ ва тўғри айтиб қўйилди.

Мавҳумий темаларда тамтароқли ва хомсемиз назарий асарлар ёзиш билан овора бўлиб, айни маҳалда халқнинг турмуши муттасил ва тобора яхшиланиб боришини, халқ уй-жойга, озиқ-овқат маҳсулотларига, чиройли кийим-кечакка ёлчиган бўлишини, инсон ҳаётида материя билан руҳ бир-бирини гармоник тарзда тўлдириб туришини ўйламаётган шўринг қурғур назариётчиларга келганда шуни айтиш керакки, бундай назариётчилар ўз-ўзларигагина салобатли бўлиб кўринадилар, марксизм-ленинизмни «назарий» жиҳатдан шу тахлитда ишлаб чиқишдан Маркс ҳам, Ленин ҳам юз ўтирган бўлур эдилар.

Амалий ишлар билан қувватланмаган сўзларнинг умуман ҳеч қандай хосияти бўлмайди. Масалан, дейди нотиқ, капитализм шаънига лаънатлар ёғдира бериш мумкин, лекин бу лаънатлар революцион қурилиш практикаси билан қувватланган бўлмаса, капитализмни гўрга тиқишга ҳеч қачон муваффақ бўлиш мумкин эмас. Империалистлар ўз шаънига айтилаётган қуруқ лаънатларга «ҳа, майли» деб қўя беради. Буржуазия капитализм негизларига кўл тегизмасангиз бўлгани, деб капитализм шаънига айтилаётган даҳанаки таънабозларга чидаб туришга розидир.

Партиямизнинг кучи айни шундаки, деб таъкидлайди А. И. Аджубей, айниқса сўнгги ўн йил ичида биз революцион назарияни революцион практикага маҳкам пайванд қилиб юбордик, революцион назария билан революцион практика бир бутун ҳолда бирлашиб, бир-бирини ўзаро бойитмоқда ва тўлдирмоқда, бизни жаҳонни қойил қолдирган мана шундай ютуқларга олиб келди.

Коммунизмнинг обрўси мисли сўзсиз суратда ошганлигини кўриб, ғоявий душманларимиз талвасага тушиб қолди. Улар Совет Иттифоқи иқтисодий мусобақада ҳозиргина ўзидаёқ Америка Қўшма Штатларига етиб олаётганини кўриб, Совет Иттифоқини ва бошқа социалистик мамлакатларни ҳарбий жиҳатдан енгишдан умидини узиб қўймоқда. Социалистик идеология билан буржуа идеологияси ўртасидаги курашда ҳам биз ғалаба қозонамиз, бу идеологияларнинг бир-бири билан тинч-тотув яшаши мумкин эмас.

Биз шуни биламизки, деди сўзини давом эттириб А. И. Аджубей, совет кишиларининг, шу жумладан ёшларнинг ҳамма ишлари ва ҳаракатларида Октябрнинг ўти сўнмасдан ёниб турибди, бунга минглаб мисоллар кўрсатиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда оталар ва болаларга, кекса ва ёш авлодларга доир проблемалар йўқ. Партиянинг ёш ходимлари қайси соҳада ишлаётган бўлмасинлар, тобланган тажрибакор жангчилардан революцион традициялар ва ленинча принципиалликни ўрганиб, оталари билан бир сафда бормоқдалар.

Сўнгра, нотиқ идеология иши проблемаларига тўхталиб, бу ишнинг таъсир кучини оширишга халақит бериб турган нарсалар тўғрисида гапиради. Қуруқ расмиятчилик, формализм элементлари, одамга, унинг руҳий кайфиятига, унинг фикр-ўйларига эътибор бермаслик, аввало ана шулар жумласига киради. Формализмнинг ҳамма ғовларини идеология иши йўлидан олиб ташламоқ керак. А. И. Аджубей шу муносабат билан Москва «Динамо» заводининг асбобсози ўртоқ Терентьевнинг қуйидаги сўзларини ўқиб беради.

«Корхонамиз деворларига плакатлар осиб қўйилган. Ана шу плакатлар ёнидан ҳар куни ўтаман-у, лекин унда ёзилган сўзлар, чизилган суратлар эсимда қолмайди. Яқинда Биринчи май байрамини ўтказдик, цехимизда эса «Октябрга шон-шарафлар!» деган шиор осиғлиқ турар эди. Бу биз учун табаррук сўзлардир, бинобарин, мен шу сўзларга ана шундай муносабатда бўлинишига қаршиман. Цехимизда умуман уйжой қурилишига бағишланган стендлар бор, аммо заводимизда конкрет фалон-фалон ишчилар янги квартира олаётгани ҳақида ҳеч ким плакат ёзиб қўймайди. Ваҳоланки, бундай плакат биз, ишчилар, қалбини ниҳоятда қувонтириб, бизда ифтихор ҳиссини уйғотган бўлур эди».

А. И. Аджубей ўз нутқини тамомлаб туриб, Пленум ҳаммамизни партиянинг идеология соҳасидаги жуда катта тажрибаси билан бойитади, деб таъкидлади. Совет журналистлари Пленум ишлаб чиқадиган қарорларни оғишмай бажариш учун қабул қиладилар ҳамда коммунистчасига ғайрат ва сабот билан ишлаб, коммунизм тантанаси йўлида янги галабалар қозонишда партияга, халққа кўмаклашадилар.

РСФСР Рассомлар союзи правлениесининг биринчи секретари **В. А. Серов** ўз нутқини ҳозирги замон санъатининг бир қанча актуал идеологик масалаларига бағишлади. У, ҳамиша ўз халқига хизмат қилиб келган совет тасвирий санъатининг шонли традицияларини тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади: Буржуа эстетикаси халқ бағридан ажралиб қолган, субутсиз, ғоявий беқарор кишиларни излаб юрибди, бизнинг санъатшуносларимиз, танқидчиларимиз ёш рассомларга ана шу буржуа эстетикаси ўз заҳрини солиб қўйишига имкон бермасликлари керак. Шуниси ташвишли бўлмоқдаки, дейди нотиқ, бир талай хатолар қилиб қўйган ва хато қилишда ёш рассомларимизга «кўмаклашган» баъзи бир танқидчиларимиз ҳозир пайт пойлаб, сукут сақламоқдалар. Улар нима мақсадда шундай қилишяпти? Умид қиламизки, дейди В. А. Серов, улар ўз хатоларини тушуниб, социалистик санъат принципларини учун курашаётган актив жангчилар сафидан жой оладилар.

Бизнинг мамлакатимизда, деди сўзини давом эттириб нотиқ, социалистик реализм принципларини шунинг учун ҳам мустаҳкамдирки, бу — халқ принциплари бўлиб, улуғ халқимизнинг ғоявий эстетик қарашларини ифода этади.

В. А. Серов ўзи кўрган буржуа модернистик санъатининг ҳозирги виставкалари ҳақида, ҳозирги замон формализми ва абстракционизмининг ажи-бужи бўялган беманъи матоқлари тўғрисида жирканч билан гапиради.

СССР рассомларининг яқинда бўлиб ўтган Иккинчи съезди, деб сўзини давом эттирди В. А. Серов, партиянинг социалистик санъатимизни ривожлантиришдаги ленинча позициясини яқдиллик билан қувватлаётганлигини билдирди. Ҳозир вазифа чинакам новаторликни кенг ривожлантиришдан иборат, чинакам новаторликнинг маъноси шуки, рассом ўз асарида халқимиз ҳаётида рўй бераётган янги процессларни очиб беради. Нотиқ совет рассомларининг бундан буёнги режалари ҳақида, совет сураткашлик ва ҳайкалтарошлик санъатини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапиради.

Бадиий академия Совет Иттифоқидаги барча бадиий ташкилотларга, барча ижодий бирлашмаларга, ҳамма рассомларга, жаҳондаги барча прогрессив рассомларга мурожаат қилиб, уларни Владимир Ильич Ленининнинг буюк ҳаётига, буюк курашига бағишланган санъат асарлари галереясини яратишга чақирди.

Рассомлар, дейди пировардида нотиқ, ленинизмнинг улуғ байроғи остида бораётган коммунизм қурувчилар буюк армиясининг содиқ жангчилари бўламиз, деб партияга ваъда берадилар.

КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари **З. Н. Нуриев** минбарга чиқади. У, саноат ва кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, бошқирд халқининг маданиятини оширишда республика эришган ютуқларга тўхталади. Республикада мактаблар, маданий-оқартув муассасалари, техникумлар, олий ўқув юртлари, илмий муассасаларнинг кенг шохобчаси бор. Олий ўқув юртларининг ўзидагина 22 мингдан кўпроқ киши ўқимоқда. Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида 500 дан ортиқ фан доктори ва кандидати ишламоқда. Ҳозир республикада 122 мингга яқин олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис бор.

Сўнгги йилларда, дейди ўртоқ Нуриев, бизда аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб боришнинг кўлгина янги формалари туғилди. Агитаторларнинг ўйлари, қишлоқ лекторийлари самарали ишлаб келмоқда. Бошқирдистонда ҳозир 340 та халқ маданият университети мавжуд бўлиб, шу университетларда қариб 13 минг киши ўз билимини оширмоқда.

Колхоз, совхоз ва саноат корхоналарининг кўпчилигида ишлаб турган ҳар икки ёки уч кишидан бири ўз сиёсий билимини оширмоқда. Идеология ишидаги асосий камчиликка — унинг коммунистик қурилиш конкрет вазифаларидан ажралиб қолганлигига муваффақиятли барҳам берилмоқда.

Сўнгра, ўртоқ Нуриев ижодий интеллигенция билан ишлаш масалаларига тўхталади. Биз, дейди у, ижодкор ходимлар ўртасида бўлаётган ишларга анча эътибор билан қарашга, хатоларни ўз вақтида тузатишга, янги, фойдали ташаббусларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз.

Нотиқ, айтадики, республикадаги идеология ишининг кўлами ва мазмуни коммунистик қурилишнинг улкан вазифаларига ҳали мос эмас. Бизнинг фикримизча, дейди у, айниқса қишлоқ жойларда маданий-оқартув муассасалари шохобчасини кенгайтиришга ва уларнинг ишини яхшилашга анча кўпроқ эътибор берилиши керак.

Пировардида, ўртоқ Нуриев партия Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, Бошқирдистон коммунистларининг 150 минг кишилик армияси идеология иши савиясини янада ошириш, уни чинакам жанговар, бир мақсадни кўзлаган, конкрет ишга айлантириш учун ўзининг бутун куч-қувватини сарфлайди.

СССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси **А. В. Романов** сўзга чиқади. Бизнинг кинематографиямиз, дейди у, мехнаткашларнинг миннатдорчилигига ва самимий муҳаббатига сазовор бўлди.

Сўнгги йилларда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати идеологик ҳаётимизнинг мана шу жуда керакли соҳасида кўпроқ бир мақсадни кўзлаб ишлашга ёрдам берувчи бир қанча муҳим тадбирларни кўрдилар. Кинокартиналар ишлаб чиқариш ва хусусан фильмларни прокат қилиш одатдан ташқари кўпайди. Фильм-концертларни ҳисобга олмаганда, ўтган беш йилнинг ўзида 510 та тўла метражли бадиий фильм ҳамда бир неча минг хужжатли хроникал ва илмий оммабоп картиналар яратилди. Кино шохобчасини ривожлантириш соҳасида етти йиллик планда белгиланган топшириқ муддатидан олдин бажарилди. Шу йил бошида мамлакатда 120 минг кинотеатр ва киноустановка бор эди.

Шу билан бирга, нотиқ кинематографиямизнинг ҳозирги савияси халқнинг маънавий талабларига ва партия Программаси совет санъати олдига қўяётган вазифаларга ҳали тўла жавоб бермаяпти, деб таъкидлади. Мамлакат экранларига ҳали ҳам бир қанча ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш фильмлар, сюжетлари уйдирма, иштирок этувчи шахсларининг қиёфаси кўримсиз, тили ғализ картиналар чиқарилмоқда, гоҳо баъзи бир фильмларда совет кино санъатига ёт бўлган хато тенденцияларга ҳам йўл бериб қўйилмоқда.

Давримиз, коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган давр ҳақида, замонамизнинг қаҳрамонона зафарлари тўғрисида, совет ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ интеллигенциямизнинг шонли ишлари ҳақида, совет фани ва техникасининг буюк зафарлари, совет кишиларининг юксак онги, уларнинг қолоқлик ва турғунликка муросасизлиги тўғрисида қисқа вақт ичида янги юксак ғоявий ва юксак бадиий фильмлар яратиш, партия тарихи ва революция тарихи темаларида ҳаққоний ва ёрқин картиналар яратиш, дейди А. В. Романов, совет кинематографчиларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Ана шундай асарларни майдонга келтириш учун, аввало, сўнгги йилларда кино арбобларимизнинг баъзи бир қисми ўртасида тарқалган ҳамда кино санъати асарларининг ижтимоий, тарбиявий, ғоявий вазифаларига очиқдан-очиқ етарли баҳо бермаслик ҳолларига охиригача барҳам бериш зарур. Шу муносабат билан А. В. Романов кино санъати назарияси ва кино танкидчилигининг қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатиб ўтади.

Ғарбнинг кайси бир ерандир тагини суриштирмай ўгланиб келингани ва «тўсатдан дуч келган ҳаёт»ни тасвирлаш, соддароқ қилиб айтганда, сира фарқига бормасдан, кундалик турмушни натурализм тарзда кўчириб қўя қолиш, ярамас, ғайри табиий, беманъи ҳодисаларни жўрттага акс эттириш ҳақидаги даъват бизда бир вақтлар жуда урф бўлиб қолган эди. Бизнинг фикримизча, совет ёшларини уйдирмачилик йўли билан кекса авлодга қарама-қарши кўйган «Ильич заставаси» кинофильми ана шу тахлитда дунёга келган бўлса керак. Турмушни нуқул ғам-ғуссадан, ночор забунликдан иборат деб тасвирловчи, обиватателларнинг бемазагарчилиги ва қабоҳатига муроса билан қаровчи «Эрталабки поездлар» фильми ана шу тахлитда пайдо бўлди.

Совет кинематографияси, деди пировардида ўртоқ Романов, партиянинг содиқ ёрдамчиси, коммунистик қурилиш ва коммунистик тарбиянинг, империализм ва урушга қарши, дунёни революцион тарзда ўзгартириш учун курашнинг таъсирчан омили бўла беради.

Татаристон область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. А. Табеев** бундай деди:

— КПСС XXII съездидан кейин ўтган давр ичида партия ва халқ коммунистик қурилиш программасини бажариш йўлида ғайрат билан чинакам улуғвор иш олиб борди. Шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари тугатилганлиги ва партия турмушининг ленинча нормалари тикланганлиги, назария билан практиканинг бирлиги партия ташкилотлари идеология ишининг таъсир доирасини кенгайтириш ва бу иш савиясини ошириш учун бениҳоя қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Россия Федерациясидаги республикалардан бири — Татаристон, — деди сўзини давом эттириб ўртоқ Табеев, бутун совет халқининг ёрдами билан қолоқ чекка ўлкадан Волганинг йирик индустриал, қишлоқ хўжалик ва маданий марказларидан бирига айланди. Татаристонда ўн минг аҳолига ҳозир олий ўқув юртларининг 146 студенти тўғри келади. Бу ҳар қандай капиталистик мамлакатда бўлганидан анча кўпдир. Шу мисолнинг ўзи марксча-ленинча идеологиянинг амалдаги ҳаётбахш кучини кўрсатиб турибдики, биз, миллий республикаларнинг вакиллари, бу билан фахрланамиз.

Мамлакатимизда миллатларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришдаги янги босқич, деди сўзини давом эттириб нотиқ, миллий маданиятлар ҳар тарафлама янада яшнаётганлиги, улар бир-бири билан яқинлашиб бораётганлиги билан ҳам характерланади. СССР халқлари маданиятининг социалистик мазмунини ривожлантириш, уларнинг интернационал негизини мустаҳкамлаш бу процесса жуда катта аҳамият касб этмоқда. Коммунистик жамиятнинг бўлажак ягона маданиятини шакллантириш калити ҳудди мана шундадир.

Ф. А. Табеев рус тилининг муҳим ролини кўрсатиб, рус тили ҳар бир миллат маданиятининг ажралмас элементига, ҳар бир миллатнинг иккинчи она тилига айланиб бормоқда, деди.

Нотиқ ўз нутқининг охирида партия пропагандаси санъатини такомиллаштириш, буржуа идеологияси кўринишларига муросасиз бўлиш зарур, деб таъкидлайди.

СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари **Т. Н. Хренников** ўз нутқини совет музикаси босиб ўтган катта йўлга бағишлади. Совет композиторларининг кўпгина асарларида, дейди у, миллионларнинг жўшқин ҳаёти, меҳнати ва кураши акс эттирилган. Совет музикасининг энг дурдона асарларига қараб халқимиз тарихини, мамлакатимиз тарихини ўрганиш мумкин.

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлари бадиий ижодкорликни ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, ҳозир ҳаммамиз, деди сўзини давом эттириб нотиқ, яқинда ўтказилган учрашувлар ва суҳбатларни миннатдорчилик билан эсламоқдамиз, бу учрашувлар ва суҳбатлар адабиёт ва санъатнинг коммунизм қурилиши давридаги ҳаётий вазифаларини чуқур очиб берди.

Музика ижодкорлигимизда ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган замонавий тематиканинг роли йилт сайин ортиб бормоқда. Худди шу нарса совет музика санъатининг асосий йўналишини белгилаб бермоқда. Шостаковичнинг Ленин хотирасига бағишланган 12-Симфонияси, Свиридовнинг ватанпарварлик руҳи билан сугорилган, Маяковский сўзига «Патетик оратория»си, Мурадели, Пахмутова, Колмановский, Фельцман, Туликов, Островскийларнинг граждаплик пафосига тўла қўшиқлари ҳаммага манзур бўлди.

Республикалардаги композиторлар ўз миллий традицияларини муваффақият билан ривожлантирмоқдалар. Айни замонда миллий музика маданиятлари бир-бири билан тобора яқинлашмоқда. Барча социалистик миллатларимиз музикасини бирлаштириб турган умумий мақсад тобора тўлароқ ва ёрқинроқ очиб берилмоқда. Украина, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Эстония, Литва ва бошқа республикалардаги композиторларнинг асарлари рус совет композиторларининг энг яхши асарлари қатори жаҳон концерт саҳнасига чиқди.

Совет музикасининг арбоблари, деб таъкидлайди нотиқ, идеология фронтидаги қаттиқ ва кескин курашни бир дақиқа ҳам унутмайдилар. Бу курашда бизнинг ўринимиз ҳужумкорларнинг олдинги сафидадир. Буржуа Ғарбининг реакцион маданияти прогрессив реалистик санъатга қарама-қарши турибди. Буржуа Ғарбининг ана шу реакцион маданияти халққа душман бўлган ғоялар оғуси билан заҳарлангандир.

Ана шу сохта «санъат»нинг халққа зарарли моҳиятини фош қилиш билан бирга, биз ҳушёр бўлиб турмоғимиз керак. Композиторларни ҳаётдан, ҳақиқатдан четга тортиб кетувчи ясама новаторликнинг совет музикасига суқилиб кириб олишига йўл қўйиш ярамайди. Гоҳо баъзи бир ёш композиторларимизнинг ижодига Ғарб буржуа санъатидаги модернистик оқимлар таъсир ўтказиб қўймоқда. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг ижодий ходимлар билан учрашувида ана шу тўғрида, шунингдек енгил маиший музикамиздаги салбий ҳодисалар ҳақида адолатли гаплар айтилди.

Совет музикачилари партилнинг танқидини чуқур сингдириб олдилар ҳамда бутун кучларини музика маданияти соҳасида бизга ёт бўлган ҳодисаларга, чунончи формалистик лўттибозликлар ҳамда примитивизм ва бемазагарчиликка қарши кураша қаратмоқдалар.

Т. Н. Хренников меҳнаткашларнинг музика-эстетик тарбиясини яхшилаш учун ҳал қилиниши лозим бўлган амалий масалалар ҳақида гапириб, болалар билан музика соҳасида иш олиб бориш жуда муҳим аҳамиятга эгадир, деб таъкидлайди.

Пировардида, Т. Н. Хренников ижодкор ходимларнинг ягона союзини ташкил қилиш фикрини қизғин маъқуллади. Ёзувчилар, композиторлар, тасвирий санъат ва кино арбоблари ана шу союзга бирлашган бўладилар.

КПСС Приморье саноат ўлка комитетининг биринчи секретари **В. Е. Чернишев** партия Марказий Комитетининг июнь Пленумини мамлакатимизнинг ғоявий ҳаётидаги катта воқеа, деб атади. У таъкидлаб айтдики, Марказий Комитет ноябрь Пленумининг қарорлари асосида халқ хўжалигига партия раҳбарлиги қайта қурилгандан кейин идеология ишини кучайтириш учун ниҳоятда қулай шарт-шароитлар вужудга келди.

Партия меҳнат — янги одамни тарбиялашнинг негизидир, деб ўргатмоқда, деди нотиқ.

Приморье ўлкаси меҳнаткашларининг ҳаёти денгиз билан чамбарчас боғланган. Приморьенинг балиқчилари, краб ва кит овловчилари Охотск, Япон ва Беринг денгизларида, Ҳинд океани сувларида, Антарктика районида ишламоқдалар. Узоқ Шарқдаги савдо ва пассажир флотларининг кемалари жаҳондаги кўпгина мамлакатларга қатнамоқда.

Денгизчилар ва балиқчилар узоқ вақтларгача жонажон соҳилларидан неча-неча минг километр нарида бўладилар, шу сабабдан улар билан олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий, маданий ишнинг ўзига хос хусусияти бор. Кўпгина кемаларда, дейди нотиқ, бошланғич партия ташкилотлари ва партия группалари тузилган. Раҳбар ходимлар, лекторлар, агитация бригадалари ов жойларига муттасил бориб турибдилар. Балиқчилар учун махсус радиоэшиттиришлар ташкил қилинган, ҳар бир кема зарур миқдорда маданий-спорт ашёлари, адабиётлар билан таъминлаб турилибди.

Ўртоқ Чернишев айтадики, Узоқ Шарқ пароходчилигининг денгизчилари чет элларга борган вақтларида, капиталистик турмуш кечириш тарзини, буржуа идеологиясини ва унинг ҳамма қабоҳатларини бевосита кўрмоқдалар. Лекин совет денгизчилари ҳамма вақт коммунизм улуғ идеяларининг актив пропагандистлари бўлиб иш кўрмоқдалар, чет элларда ўзларини муносиб даражада тутиб, Ватанимиз учун фахрланиш туйғусини намойиш қилмоқдалар.

Шундан сўнг нотиқ мамлакатимизда яратилаётган янги техника воситаларидан, чунончи, телевидениедан пропаганда ишида, умуман бутун идеология ишида ҳамма вақт ҳам яхши фойдаланилмаяпти, деди. Ўртоқ Чернишевнинг фикрича, телемарказлар тезваригига энг яхши пропагандистларни жипслаштириш керак, энг атоқли фан, адабиёт, санъат, техника арбоблари, раҳбар ходимлар телевидение орқали тез-тез чиқиб туришлари лозим. Телевидение учун кадрлар тайёрлаш жиддий эътибор беришга сазовор проблемадир. Бу проблемани шу тахлитда ҳал қилиш керакки, телестудиялар якин йиллар ичидаёқ яхши режиссёрлар, сценарийчилар, кинооператорлар ва журналистларга эга бўлсин.

Узоқшарқликларнинг илҳомбахш, кахрамонона меҳнати китобларда мадҳ қилишга, кинофильм ва спектаклларда акс эттиришга муносибдир. Лекин афсуски, дейди ўртоқ Чернишев, Узоқ Шарқда ижодий кучлар ҳали кам. Шу муносабат билан у, мамлакат марказидаги адабиёт ва санъат арбобларининг Узоқ Шарққа бориб туришлари ҳақида гапиради.

Нотиқ пировардида, идеология ишини кучайтириш соҳасида ўртоқ Ильичевнинг докладида баён қилинган тадбирлар шу ишни юксалтиришга, совет кишиларини коммунизм қурувчиларинг ахлоқ принциплари асосида тарбиялашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

* * *

Ўртоқ Н. С. Хрушчев жаҳонда биринчи космонавт қиз Валентина Владимировна Терешкова ва космонавт Валерий Федорович Быковский белгиланган районда Ерга эсон-омон қўнганликларини маълум қилганида, Пленум қатнашчилари бу хабарни давомли, гулдурос қарсаклар, табрик хитоблари билан кутиб олдилар.

Кечқурунги мажлис СССР маданият министри **Е. А. Фурцева**нинг нутқи билан бошланди. У, жаҳонда биринчи космонавт қиз В. В. Терешкованинг мана шундай ажойиб, кахрамонона парвоз қилишини таъминловчи ҳамма шароитларни яратиб берганликлари учун партия Марказий Комитетига, Н. С. Хрушчевга совет хотин-кизлари номидан кизғин миннатдорчилик билдирди.

Биз аминмизки, дейди Е. А. Фурцева, бу иш совет хотин-қизлари учун бир умрга символ бўлиб хизмат килади. Биз ўз амалий ишимизда ажойиб совет қизининг қойилмақом жасоратига эргаша берамиз.

Пленум қатнашчилари бу сўзларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Фурцева ўз нутқида идеология ишига доир бир қанча муҳим проблемаларни ўртага ташлади.

Биз, деди у, марксча-ленинча идеологиянинг, совет турмуш тарзининг, коммунистик ахлоқимизнинг тантанасидан дарак берувчи маданиятимиз ва санъатимизнинг ажойиб ютуқлари тўғрисида бугун қонуний ифтихор билан гапирамиз. Шахсга сиғинишнинг оғир юкидан халос бўлган янги ижодий вазиятда, янги муҳитда сўнгги йилларда бадиий ижодкорликнинг ҳамма соҳаларида: адабиёт, кино, театр, музика, тасвирий санъатда кўпгина ажойиб асарлар яратилди.

Нотиқ Ватанимизнинг маънавий бойликларини яратишда халқ оммасининг иштирокидан далолат берувчи ёркин далиллар келтиради. 10 миллиондан кўпроқ меҳнаткаш бадиий ҳаваскорликда қатнашмоқда.

Совет бадиий маданияти, деб таъкидлайди ўртоқ Фурцева, соғлом негизда ривожланиб бормоқда. Партиявийлик, халқчиллик, ҳаёт ҳақиқатига содиқлик — унинг фарқли хусусиятларидир. Худди ана шу фазилатлар адабиётимиз ва санъатимизни мисли кўрилмаган юксакликка олиб чиқди.

Кўп миллатли совет маданияти халқаро майдонда ҳам идеологиямизнинг жўшкин пропагандистидир. Совет артистларининг чет эллардаги гастроллари жуда зўр муваффақият билан ўтмоқда, бунга уларнинг ўзи даражадаги бадиий маҳоратигина сабаб бўлаётгани йўқ. Бу, аввало, улуғ социалистик маданиятнинг тантанаси, одамларга роҳат бахш этувчи чинакам инсонпарварликни қарор топтирувчи совет идеологиясининг ғалабасидир.

Ўртоқ Фурцева чет элларда совет маданияти таъсирининг ўсиб бораётганлиги ғоявий душманларимизда ожиз қаҳр-ғазаб уйғотмоқда, дейди. Жумладан, яқинда АҚШда жуда кўп нусхада босиб чиқарилган «Идеология ва тотув яшаш» номли китобча шундан далолат бериб турибди. Унинг авторлари коммунистик идеологиянинг Ғарбга ёйилишини ҳар қандай чоралар билан тўхтатиб қўйишни талаб қилмоқдалар. Ватанимиз душманлари очиқдан-очиқ диверсиялар қилишгача бориб етмоқдалар. Мисол учун яқиндагина СССР Халқ рақс ансамблининг Буэнос-Айресдаги премьерасида саҳнага ва оркестр устига ичига кўздан ёш оқизувчи газ солинган бомбалар ташланди. Лекин артистлар разил иғвогарликка парво қилмадилар. Кўзларидан ёш қуйилиб турган бўлса ҳам, улар саккиз минг кишилик залнинг гулдурос қарсаклари остида ўйинни давом эттирдилар. Айни маҳалда социалистик идеология душманлари оғамизга суқилиб кириб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда улар бирон бир йўлларни топишга, шу жумладан адабиёт ва санъатдан фойдаланиб қолишга, шу тариқа қудуқларга заҳар ташлаб кетувчи ичи қора одамларга ўхшаб, чиркин ва разил буржуа идеологияси микробларини совет кишилари онгига сочишга уринибқўрмоқда.

Афсуски, санъатимизнинг баъзи бир арбоблари душманнинг бу ҳийла-найрангини тушунмадилар. Ўртоқ Фурцева шунинг натижасида баъзи бир рассомлар, ҳайкалтарошлар, кино ходимлари ижодида юз берган муваффақиятсизликларни эслатиб, принципсизлик билан ана шундай асарларни қувватлаган айрим танқидчилар хунук роль ўйнадилар, деб таъкидлайди. Масалан, «Ильич заставаси» кинофильми билан худди шундай воқеа юз берди.

Ўртоқ Фурцева министрлик театрдаги репертуар сиёсатини ва концерт ишларини етарли йўлга солиб турмаяпти, деб докладда айтилган мулоҳазани тўғри деб ҳисоблайди. Биз, дейди у, маданият муассасаларининг бу соҳадаги ишларини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Лекин шу билан бирга, ёзувчилар ташкилотлари, драматурглардан катта ёрдам кутишга ҳам ҳақлимиз.

Санъат, деди пировардида нотиқ, бир жойда тўхтаб туролмайди, унга дадил изланишлар, журъаткорона орзулар керак. Партия эса ўз обрўсининг бутун кучини ишга солиб, новаторликни ёқлайди, лекин бу новаторлик социалистик воқелигимизнинг бойлиги ва ранг-баранглигини очиб беришга қаратилган бўлиши шарт.

КПСС Қалмоқистон область комитетининг биринчи секретари **Б. Б. Городовиков** чор Россиясининг қолоқ, қашшоқ, ярим феодал, мустамлака чекка ўлкаси ўрнида Коммунистик партиянинг миллий сиёсати туфайли янги социалистик Қалмоқистон қандай қилиб ўсиб етишганлигини, унинг юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигини, ривожланаётган саноати ва маданиятини ўз нутқида тасвирлаб берди.

Ўртоқ Городовиков бундай деди: Қалмоқистоннинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топганлиги — социалистик тузум, совет халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги буюк афсаналикларга эга эканлигининг далилидир. Қалмоқистонда қалмоқлар, руслар, украинлар, қозоқлар, черкеслар, чеченлар, белоруслар, татарлар ва бошқа шу каби 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшамоқда. Область партия ташкилоти интернационал тарбия масалаларини ҳамиша диққат марказида тутмоқда. Халқлар дўстлиги — агитация-пропаганда ишидаги етакчи темалардан биридир.

Кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кадрларга баҳо беришда асосий мезон — уларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий фазилатларидир.

Ўртоқ Городовиков шу билан бирга таъкидлайдики, гарчи миллатчилик ҳеч қандай негизга эга бўлмаса ҳам, унинг сарқитлари сиёсий гўр одамлар орасида ҳали яшовчандир. Республика партия ташкилоти, деб ўқтиради нотиқ, халқларимиз бирлиги, қардошлиги ва дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашни, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашни бутун чоралар билан яхшилашни ўзининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали **А. А. Епишева** сўз берилади.

Совет Қуролли Кучларининг қудрати биринчи даражали ҳарбий техникадангина иборат бўлмай, аввало, ана шу техникани мукаммал эгаллаб олган, марксизм-ленинизмнинг абадий барҳаёт идеялари руҳида тарбияланаётган кишилардан таркиб топган, деб таъкидлайди ўртоқ Епишев. Шу сабабли, шахсий составнинг маънавий, жанговар фазилатларини шакллантириш соҳасидаги бутун идеология ишини бундан буён тамомила яхшилаш — барча ҳарбий кенгашлар, командирлар, армия ва флотдаги сиёсий органлар, партия ва комсомол ташкилотларининг биринчи даражали вазифасидир.

Ҳарбий кадрларимизнинг марксизм-ленинизмни, партия янги Программасини ўрганишлари уларнинг Қуролли Кучлар орасида партия сиёсатини муваффақиятлироқ ўтказишларига, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигига муваффақиятлироқ раҳбарлик қилишларига ёрдам беради. Офицерларни, генерал ва адмиралларни ғоявий қуроллантириш уларнинг ҳарбий-назарий тайёргарлиги билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилмоқда. Ҳарбий ишда революция юз берган, стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинлари барпо қилинган, армия ва флот энг янги техника билан қуроллантирилган, қўшинларни ташкил этиш такомиллаштирилган бир шароитда, ҳарбий қурилишга доир ҳамма вазифаларнинг ҳал қилиниши ҳарбий назарияни янада ривожлантириш ва амалда қўлланишга ҳар қачонгига нисбатан кўпроқ боғлиқдир.

Шахсга сиғиниш ҳарбий-тарихий воқеаларни ёритишда, қуролли кураш назариясини этишда догматизм ва субъективизм туғдирган эди. Шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш йўлида партиянинг қатъият билан кўрган чоралари ҳарбий-назарий фанни ривожлантиришга баракали таъсир кўрсатди.

Марказий Комитет ва шахсан Н. С. Хрушчев жуда катта ишни амалга оширганликлари натижасида, ҳарбий фан соҳасидаги кадрларимизнинг куч-ғайратлари туфайли Ленининг ҳарбий-назарий мероси, ҳарбий назариянинг энг муҳим проблемалари ҳозирги вақтда чуқурроқ ва ҳар тарафлама мукаммал ишлаб чиқила бошлади.

Ҳарбий-назарий ва ҳарбий-тарихий темаларда сўнгги вақтларда талай миқдорда асарлар нашр қилинди. Ҳозир нашр қилинаётган «Совет Иттифоқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши тарихи» китоби кадрларни тарбияламоқда, уларни ҳарбий-назарий жиҳатдан тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир.

Қуролли Кучлар орасида, дейди сўзини давом эттириб нотиқ, юзлаб марксизм-ленинизм кечки университетлари ва партия мактаблари,

СОВЕТ ХАЛҚИ АҚЛ-ЗАКОВАТИНИНГ БУЮК ТАНТАНАСИ!



«ЧАЙКА» БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Шахтёрлар шаҳри — Қарағанда меҳнаткашлари космос қаҳрамони В. Терешковани самимий кутиб олдилар. Мингларча кишилар аэродромга тўпландилар. Ҳамма ёқдан:

— Валя! Валя! Космос қаҳрамонига шон-шарафлар! — деган хитоблар эшитилади.

Машиналар аэродромдан шаҳарнинг кўм-кўк кўчалари бўйлаб юриб ўтади ва совет халқининг шонли қизини табриклаш учун бутун аҳоли кўчага чиққанга ўхшайди. Машина кичик бир уй олдига келиб тўхтайди. Космонавт қиз космосда уч кунлик парвоздан кейин шу ерда дам олади.

Валя Терешкова уйининг балконига чиқади, уни эса: Валяга шон-шарафлар! Валяга шон-шарафлар! Совет хотин-қизларига шон-шарафлар! —деган хитоблар билан кутиб оладилар. Валя қўлини кўтаради ва майдонда, уй атрофидаги боғда бир зумда жимжитлик чўкади.

— Азиз дўстлар, — деди Валя. —Шу қадар яхши, самимий кутиб олганлигингиз учун раҳмат. Сизларга катта раҳмат!

...Мана биз қаҳрамон қиз билан биринчи марта суҳбатлашиб ўтирибмиз. Валя бардам, хушчақчақ, хазиллашиб, кулишиб ўтирибди. У, ҳали ҳам Н. С. Хрушчев билан суҳбат таассуроти остида эди. У, Н. С. Хрушчевга ўз топшириғини бажарганлиги ҳақида доклад қилди ҳамда кўрсатган жасорати учун оталарча мақтов сўзларини, халқ ва партия номидан айтилган ташаккурни эшитди.

Биз қаҳрамон қиздан ўз парвози ҳақида бир неча сўз айтишни сўраймиз.

— Ҳаммаси яхши ўтди. Программа тўла бажарилди, — деб жавоб беради Валя. — Кўриб турибсизки, кайфиятим жуда яхши.

Шу пайт Валяга шаҳар шахтёрлари номидан кичик бир совға— шахтёрлар каскаси ва шахтёрлар лампочкасини олиб келишди.

Валя дарҳол каскани бошига кийиб ўлчаб кўради. Каска биринчи космонавт қизга жуда ярашиб тушади.

Қўнғироқ овози суҳбатимизни бўлади.

— Кечирасиз, — деди Терешкова, — бу Бош конструктор. У, Бош конструктор билан отаси билан гаплашгандай гаплашди, қиз Бош конструкторни ниҳоятда ҳурмат қилади, унга ниҳоятда ишонади. Валя унга космик парвоз ҳақида, учишнинг тафсилотлари ҳақида гапиради ва гапини қуйидаги сўзлар билан тамомлайди: «Ҳамма яхшиликларингиз учун раҳмат. Сизни ғойибона ўпаман. Учрашганимизда ҳамма гапларни батафсил айтиб бераман».

А. РОМАНОВ.
(ТАСС махсус мухбири).

19 июнь.
Ерга қўниш райони.



Суратларда: 1. (чапда) Валентина Владимировна Терешкова ва жаҳонда биринчи космонавт учувчи Ю. А. Гагарин ўқув машғулоти пайтида. 2. Валерий Быковский китобдан радио ишини ўрганмоқда.

А. Богданов ва С. Баранов фотолари.
(ТАСС фотохроникаси).

БЕШИНЧИ КОСМОНАВТ НОМИ БИЛАН

Бухоро яйлов-мелиоратив конторасн коллективи ўз олдига қўйилган вазифани бажариш учун муносиб ишлар қилмоқда. Коллектив область зонасида бу йил 55 қудуқ қазиб, пахта далаларига об-ҳаёт оқизиши керак бўлгани ҳолда ҳозиргача 54 қудуқдан сув чиқариб қўйди.

Қудуқлар кавлашда, айниқса, пармалаш мастери Ю. Ҳайдаров бошлиқ бригада илғорликни қўлдан бермай келаётир. 14 июнь бу бригада аъзолари учун катта байрам бўлди. Пармаловчилар янги бир қудуқни фойдаланишга топшириш билан бирга мастер Ю. Ҳайдаровни янги меҳмон—ўғил билан табрикладилар. Шу куни янги фарзандга бешинчи космонавт Валерий Фёдорович Быковскийнинг шонли парвози муносабати билан Валерий номи қўйилди.

В. АКМАН,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ!

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми ўз ишини давом эттираётган шу кунларда совет фани ва техникаси ажойиб ғалабасининг шоҳиди бўлдик. Пленумга космосдан туриб табрик юборган самовий баҳодирлар — Валентина Терешкова ва Валерий Быковский ўртоқлар табаррук тупроғимизга эсон-омон қайтиб тушдилар.

Ахир бу гапларга бундан 5-6 йил олдин кимнинг ақли бавор қиларди! Бизнинг совет воқелигимиз кечагина хом хаёл бўлиб кўринган орзуни рўёбга чиқарди. Бу бизнинг социалистик тузумимиз ғалабаси, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Н. С. Хрушчев бошлиқ партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети сиёсатининг порлоқ ғалабасидир.

Жаҳонда хотин-қизлар ичида биринчи бўлиб коинотни забт этган Советлар мамлакатининг содиқ фарзанди Валентина Терешкова ер атрофини 48 марта, «Восток-5» космик кемасининг жасур капитани Валерий Быковский эса 81 марта айланиб, топширилган ҳамма программани бекам-кўст бажардилар ва белгиланган районга соғ-саломат қайтиб тушдилар.

Шонли космонавтларимизнинг жасорати бутун совет кишиларининг меҳнат ғайратини ниҳоятда жўш урдирибгина қолмади. Саломатлик посбонлари бўлган биз, медицина ходимлари бутун куч ва ғайратимизни, билимимизни коммунизм қурувчиларининг сиҳат-саломатлигига бағишлаймиз.

А. ТОШМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳридаги 4- поликлиника врачи.

ЯША МАРД ОПАЖОНИМИЗ!

Бешинчи космонавт Валерий Быковский кўкка парвоз қилган куни дугоналарим билан радио ёнидан жилмадик. Совет космонавтининг бу парвози руҳимизга-руҳ, кувончимизга қувонч қўшди, фан ва техникага меҳримиз яна ҳам ортди.

— Довюрак космонавтларимизга балли, — деди дугонам Мактуба.

— Ҳадемай хотин-қизлар ҳам учиб қолишар, — деди иккинчи дугонам Сайёра, Биз келгусида хотин-қизларнинг ҳам космосга парвоз қилиши ҳақида ширин хаёлларга берилдик. Биз буни ҳозирча хаёл деб билардик.

Эртаси куни радио ажойиб хушхабарни таратди: Жаҳонда биринчи бўлиб совет қизи коинотга парвоз қилди. Ҳар сафаргидек орзу ва хаёлларимиз ҳақиқатга айланди. Ҳаяжонимиздан киприкларимизга ёш кўнди. Сени, совет қизини, ҳурматли Валентина, мард опажонимиз деб атадик, юрагимизни юрагингга пайванд қилишга, коинотда сен билан хаёлан бирга бўлишга интилдик. Эсон-омон кўнганингни эшитиб бехад қувондик.

Азиз Валентина! Сен жаҳонда хотин-қизлар ичида биринчи бўлиб коинотга парвоз қилдинг, Ойга, Зуҳро юлдузларига, Ер юзи хотин-қизларининг оташин саломини элтдинг. Сенинг парвозинг — коммунистик жамият қуришда эркаклар билан ёнма-ён туриб ажойиб каҳрамонликлар кўрсатаётган совет хотин-қизларининг парвозидир.

Сен элнинг баҳодир қизи, партиямизнинг содиқ фарзанди ўз мисли сиз парвозинг билан менга ҳам, минглаб тенгқурларимга ҳам далда бердинг, парвозга чорладинг.

Эндиликда сенинг кетингдан, биз ҳам парвозга тайёрмиз!

Ҳ. ТАШПЎЛАТОВА,
Тошкентдаги 119- мактабнинг ўн биринчи синф ўқувчиси.

ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

ТОМДИЛИКЛАРНИНГ БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Томди ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозчилари, совхозларнинг ишчилари ва мутахассислари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига республика давлатга пилла сотиш планини анча ошириб бажарганликлари муносабати билан табригини ва бу йил қоракўлчиликда катта муваффақиятларга эришилганлиги тўғрисидаги ахборотни зўр қониқиш билан қутиб олдилар.

Эришилган бу меҳнат ғалабасида ишлаб чиқариш бошқармаиз қоракўлчиларининг ҳам муносиб хиссаси бордир. Томдилик колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислари қоракўлчиликни ривожлантириш юзасидан 1963 йилги олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Давлатга қоракўл тери сотиш йиллик плани 115,4 процент, жун сотиш ярим йиллик плани 107 процент бажарилди. Колхоз ва совхозлар молларни ўтлатиб боқишни яхши ташкил этиш туфайли давлатга гўшт сотиш ярим йиллик топшириғини 2,6 баравар бажардилар.

Шу йилнинг 1 июнигача давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 81.405 дона қоракўл тери, 5.510 центнер жун, 4.550 центнер гўшт кўп сотилди. Айни пайтда қоракўл қўйларининг анча кўпайишига эришилди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида олинган социалистик мажбуриятлар қўйларни кўпайтириш юзасидан 115 процент бажарилди. Қўйлар бир йил мобайнида 62 бош кўпайди.

Бошқармаиинг кўпгина хўжаликлари ва илғор чўпонлари Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг чақиригига жавобан қўйларни ўз-ўзидан урчитиб кўпайтиришда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Хар бир хўжаликда ўрта ҳисобда ҳар юз совлиқдан 115 тадан, 45 та қўйчилик фермасида 140-150 тадан, «Октов», «Коммунизм» колхозлари ва «Томди» совхозида 124-130 тадан қўзи олинди. Шунингдек, «Томди» совхозидан чўпон Закеев, Бозорбоев, «Октов» колхозидан Балимонов, «Коммунизм» колхозидан Турдимуродов ўртоқлар ҳар юз совлиқдан 178-185 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табриги чўпонлар ва мутахассисларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, коммунизм қурилиши режаларини амалга оширишда қоракўлчиликни янада ривожлантиришдан иборат тарихий вазифани бажаришга қўшадиган янги ҳиссамиз бўлади.

БУ ТАДБИРЛАР ТОМДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МИТИНГИДА МУҲОКАМА ЭТИЛГАН ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

«ЮЛДУЗЛАР ОРАСИДА УЧУВЧИЛАР...»

В. БИКОВСКИЙ ВА В. ТЕРЕШКОВА ЖАСОРАТИГА БАҒИШЛАНГАН БРОШЮРА

МОСКВА, 20 июнь. (ТАСС). «Восток-5» ва «Восток-6» космик кемалари юлдузлар орасида учиб кетмоқда... И. Фролов ва С. Мокшининнинг «Юлдузлар орасида учувчилар...» брошюрасининг муқоваси ана шундай безатилган. Валерий Быковский ва унинг «самовий синглиси» Валентина Терешкованинг ғоят катта жасоратига бағишланган китоб космос қаҳрамонлари она диёрга эсон-омон қайтиб тушган куни босмадан чиқди.

Брошюрада космонавтлар ҳақида очерклар, «Восток-5» ва «Восток-6» кемаларининг учирилгани ҳақидаги ТАСС ахборотларининг текстлари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг парвозлари ва В. Быковский ва В. Терешкова билан суҳбатларининг текстлари ва бошқа материаллар бор.

КОСМОС ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Далага оқшом чўкди, кўкка чиқди юлдузлар,
Шийпондан тикиламан, жимирлашиб не сўзлар?
Ҳар бир юлдуз бир дунё—мўъжизаси, сири бор,
Балки бири муз тоғдир, балки бири гулзордир.
Бирида қаҳратон қиш, балки бирида баҳор,
Шалолалар бўйида балки оҳуси бордир?
Ҳаёлимни тортади жимирлаган юлдузлар,
Жимирлашиб нима дер, кўзин қисиб не сўзлар?

Ялтиллаб ёнган балки қизларим балдоғидир,
Ажабмас, у ерда ҳам бўлса ошиқ-мошиқлар.
Ойнаден товланиши ё ҳаёт булоғидир,
Улар бизга мунтазир, балки бизга ошиқар?
Бу сирларнинг тагига етувчи ўзинг, инсон!
Коинотнинг тақдирини ечувчи ўзинг, инсон!

Инсон ўз хаёлида неларни яратмади,
Буюк орзулар учун каттанон ақл керак.
Калтафаҳмлар фикри девордан ўтолмайди,
Янгилик яратмоқчун ижод керак, дил керак.

Хаёлида неларни тасаввур этса одам,
Хаёли етган ерга етиб борар ақли ҳам,

Эртанда ўйиганим учар гилам ёдимда—
Қанотида одамни учирган Семурғ қуш,
Балки бу афсонанинг тўқиганни қадимда
Деганлар даҳрий инсон ёки бир хаёлфуруш.
Шу орзулар мисоли — бошим узра учар «ТУ»
Қизил юлдузлар ёқиб сузиши мунча сулув!

Ишонармидик қадим тонна-тонна темирлар
Қушдан енгил, қушдан тез кўкда учади десанг.
Энди нулиб сўзлашар маҳалламда кенсалар,
Илк самолёт учганда бўлганлигин ҳангу-манг.
Ақлимиз, техникамиз нурдан тез юксалмоқда,
Юлдузни зина қилиб қуёшга йўл олмоқда.

Мен уйда йўқ чоғимда дўстим йўқлаб келибди,
Тошкент иссиқ бўлгандан чиқиб кетгандим тоққа.
Таажжубмас, нўп ўтмай юлдузда курорт очиб,
Дам олгани йўл олсак, осмон деган гулбоққа.
Дўстим сен келганингда, йўқ деб қилсалар жавоб,
Юлдузларга йўл олгин, чиқиб топасан шу тоб.

Гумон қилма сўзимга, шубҳалар асри ўтди,
Янги жаҳонлар очиш халқимизнинг қўлида.
Гагарин, Валентина, Титов ва Валерийлар,
Попович, Андриянлар — космоснинг соҳиблари,
Илк элчи — қалдирғочдир улуғ мақсад йўлида.
Шулардир юлдузлардан юлдузга учувчилар,
Космосда янги дунё, янги ер очувчилар.

Эй муҳтарам, эй азиз, менинг қудратли халқим,
Сени мадх этган сэрим жоним олади ором.
Ахир, сенинг ақлингдан, сенинг онгингдан доим,
Инсон ланчалик зўр куч эканин билди олам.
Ҳар муаммо тагига етувчи ўзинг, халқим!
Коинотнинг тақдирини ечувчи ўзинг, халқим!

20 июнь, 1963 йил. **ШУКРУЛЛО**

КАЛИНИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИДАГИ КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СУТ СОТИШ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Биз, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган «Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида сут-сабзавот етиштирадиган хўжаликлар вужудга келтириш тўғрисида»ги Мактубини муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини республикада пилла тайёрлаш давлат планининг анча ошириб бажарилиши муносабати билан юборган табригидан илҳомланиб, сабзавот ва картошка етиштиришни кўпайтириш билан бирга чорвачилик маҳсулотларини ва энг аввало сут етиштиришни кескин даражада кўпайтиришни ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, иш моҳирлик билан ташкил этилган, фан ва илғор тажриба эришган муваффақиятлар қўлланилган, чорвачилик фермалари комплекс механизациялаштирилган ва молларни тўқ тутадиган яхши ем-хашак билан таъминланган ҳар бир колхоз ва совхоз моллар сонини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли бажара олади.

1962 йилда «Ўзбекистон» колхозида қишлоқ хўжалик майдонларининг ҳар 100 гектари ҳисобига 1000 центнердан сут етиштирилди ва ҳар бир соғин сигирдан 2968 килограммдан сут соғиб олинди. 1963 йилнинг беш ойи мобайнида давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 308 центнер сут кўп сотилди. Сут сотиш ярим йиллик плани шу йилнинг 5 ойида 88 процент бажарилди.

Ленин номли колхозда бултур қишлоқ хўжалик майдонларининг ҳар 100 гектари ҳисобига 650 центнердан сут етиштирилди ва ҳар бир сигирдан 1990 килограммдан сут соғиб олинди. Шу йилнинг беш ойи мобайнида 1962 йилнинг шу давридагига нисбатан давлатга 265 центнер сут кўп сотилди.

Киров номли, Собир Раҳимов номли колхозлар, «Химик» совхози ва бошқа хўжаликлар ҳам сут етиштиришда шундай юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчилари Озод Мирзаахмедова, Шарифа Набихонова, Ўткура Йўлдошева ўртоқлар шу йилнинг беш ойи мобайнида ўзларига биркитилган ҳар бир сигирдан 1700-1900 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Шу билан бирга айрим хўжаликлар сут етиштириш ва сут тайёрлаш давлат планларини бажаришда ҳали ҳам орқада қолмоқдалар. Бошқарма бўйича олганда давлатга сут сотиш ярим йиллик плани 65,5 процент бажарилди, холос.

Бошқарма хўжаликлари йил охиригача давлатга 7.005 тонна сут сотишлари керак. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, давлатга шунча сут сотиш учун ойига ўрта ҳисобда 1358 тоннадан сут етиштирилиши ва давлатга 1001 тоннадан сут сотилиши ёки бошқармадаги колхоз ва совхозлар йил бошидан ҳозиргача кунига соғиб олинган 35 тонна сут ўрнига 45 тоннадан сут соғиб олишлари керак.

Шунчадан сут етиштирилишини таъминлаш учун бошқарма бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан бир кеча-кундузда сут соғиш олишни бир ярим килограммдан кўпайтириш лозим.

Колхозлар ва совхозлар сут етиштиришда юз берган аҳволни муҳокама қилиб, қуйидаги тадбирларни белгилаб чиқдилар:

ҳар бир хўжалик бўйича ем-хашакбоп экинларни экиш планини бажариш, экинларни парвариш қилиш, комплекс агротехника тадбирларини амалга ошириш, молларни то янги ҳосил пишгунча яхши боқишга тўла етадиган миқдорда ем-хашак ғамлаб қўйиш;

сут соғиш юзасидан ҳар бир сут соғувчига ойлик топшириқ бериш, ана шу топшириқларнинг бажарилишини ҳар 10 кунда ферма мудирлари, бригада бошлиқлари, сут соғувчилар, молбоқарлар, зооветеринария мутахассисларининг иштирокида якунлаб, сут етиштиришни кўпайтириш тадбирларини белгилаш, сут етиштиришни ва уни давлатга сотиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг колхозлар ва совхозлар ўртасида қандай бажарилаётганлигини ҳар кварталда бир марта ўзаро текширишдан ўтказиш;

соғин сигирларни яхшироқ боқиш, сигирларга кўпроқ кўкат, кўк беда, нўхат, жавдар, маккажўхори ва сабзавот чиқиндиларини бериб боқиш, пиво пиширадиган ва вино тайёрлайдиган саноатдаги қимматли озуқа бўладиган чиқиндилардан кенг фойдаланиш, сигирларни қанча сут беришига қараб табақалаштирилган ҳолда боқилишини ташкил этиш, шунингдек, минерал озуқалар билан боқиш, фермаларга ем-хашакнинг узлуксиз келтириб турилишини таъминлаш, бунинг учун махсус ем-хашак ташийдиган кишиларни ва транспорт воситаларини фермаларга биркитиб қўйиш;

ем-хашакдан тўғри фойдаланишни таъминлаш, ем-хашак тайёрлашни ва молларни боқишни яхши уюштириб, ем-хашакни сарфлашда эгасизликка йўл қўймаслик, келтириладиган ва сарфланадиган ем-хашакнинг аниқ ҳисобини олиб бориш, бу ем-хашакларни мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва хўжалик раҳбарлари томонидан тасдиқланган рационга мувофиқ сарфлаш, сигирларни ўз вақтида суғориб туриш;

ҳар бир колхоз ва совхозда лабораторня тузиб, сутнинг қанчалик ёғлилигини ҳар кунига аниқлаб турилишини таъминлаш, сутнинг кислотаси ортиб кетишига, ифлосланиши ва ачиб қолишига йўл қўймаслик; ҳар бир ферма ва бригадада соғиб олинадиган ва сарфланадиган сутнинг ҳисоб-китобини яхшилаш; сут заводларининг қабул пунктларида сут қабул қилишда тартиб ўрнатиш;

зоотехника, ветеринария комплексларини амалга ошириш ва ҳар бир сигирдан бузоқ олиб, уни сақлаб қолиш чораларини кўриш, сигирларнинг қисир қолишини тугатиш, подада сигирларни тобора кўпайтириш; ишни яхши ташкил этиб, сигирларнинг камида 85 процентини йил давомида сут беришига, сут соғиб олиш даврининг камида 300 кун бўлишини таъминлаш; ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозлар ана шу тадбирларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча равишда камида 446 тонна сут оладилар;

колхозларнинг қўлида бор бўлган 320 бош ғунажинни тўла сақлаб қолиш, булар бузоқлагандан кейин сигирлардан бузоқларни ажратиб, сут соғиб олиш ва улардан йил охиригача 193 тонна сут соғиб олиш;

сигирларни кўпайтириш юзасидан планнинг бажарилиши учун бракка чиқариладиган сигирларни ҳам ҳисобга олган ҳолда иккинчи ва учинчи квартал мобайнида аҳолидан камида 400 бош зотли сигир ва насли яхшиланган сигир сотиб олиш;

колхозларнинг, совхозларнинг ишлаб чиқариш бошқармаси ва давлат ветеринария тармоқларининг зооветеринария мутахассисларини сутчилик фермаларига биркитиб қўйиш;

сут соғувчиларнинг ва молбоқарларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадларида пландан ортиқча соғиб олинган сут учун қўшимча иш ҳақи жорий этиш ва улар билан ҳар ойда ҳисоб-китоб қилиб туриш;

илғор сут соғувчиларнинг иш тажрибаларини ишлаб чиқариш бошқармаси газета саҳифаларида кенг ёритиш.

Белгиланган бу тадбирларнинг ҳаммасини амалга ошириш Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозлар ва совхозларга давлатга сут сотиш планини 20 декабргача бажариш ва планга қўшимча равишда камида 300 тонна сут сотиш имконини беради.

ТАДБИРЛАР КАЛИНИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИДАГИ КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ИЙҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ВА ТАСДИҚЛАНГАН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Калинин ишлаб чиқариш бошқармасининг сут етиштиришни кўпайтириш ва сут харид қилиш планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини маъқуллаб, область партия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг партия ташкилотлари зиммасига Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидан ибрат олиб, ҳар бир хўжалик ва фермада сут етиштириш ва уни давлатга сотиш планларини бажариш юзасидан тадбирлар белгилаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифасини юклади.



Хотин-қизлар орасида жаҳонда биринчи космонавт бўлган матонатли совет қизи Валентина Владимировна Терешкова Россиянинг энг қадимий шаҳарларидан бири Ярославлда туғилиб, вояга етди. Суратда: Ярославль шаҳридаги Ленин номли майдон.

И. Глауберзон фотоси.

РАНГЛИ ФОНТАН

НУКУС, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Қорақалпоғистон Автоном республикаси пойтахти йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Кўчаларнинг икки томонидаги манзарали дарахтлар, скверларда, майдонларда, маданият ва истироҳат боғларидаги хилма-хил гуллар шаҳарнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб туриб ди. Яқинда ҳукумат уйи олдидаги В. И. Ленин номли Қизил майдонда рангли фонтан қурилиб, ишга туширилди.

МИСИ ЧИҚМАГАН РАИС

ФЕЛЬЕТОН

Башарти минг одам бўлса, минг характеру минг хулқи бўлади. Аммо, Косон районидаги Энгельс номли колхоз раиси Тўра Орзиқуловнинг битта ўзида минг характеру минг хулқ, минг башара бор, деса ишонаверинг.

Районда ҳалол меҳнати билан обрў қозонган Қўчқор Тошбадалов деган педагог яшаб келарди. Орзиқулов Тошбадаловни кўрганда кўзлари қинидан чиқиб, лаблари пир-пир учар, гап топилмай тили ғулдираб қоларди. Тошбадалов мотоциклдан йиқилиб, оёғи синди. Қишлоқдагилар раиснинг куни туғди, энди яллони кўринг деб туришганда, пластинка бошқа томонга айланиб кетди.

Раис дарҳол одам йиғди, ҳамманинг юрагини эзадиган нутқ сўзлади:

— Қўчқор кўз олдимизда ўсган йигитлардан, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, орден-медаллари ошиб-тошиб ётибди. Ҳаммамизга йўл-йўриқ кўрсатган, фарзандларимизни ўқитиб, онгини чархлаб турибди. Мақсадимиз Қўчқорнинг соғлиғини тиклашга қаратилиши керак. Қўчқор софдил, камчиликларга муросасиз. Менинг камчиликларимни ҳам бир неча бор очиб ташлаган...

Одамлар раис шунчаки тилда у-бу деб қўйди-да, деб туришганда, тахмин бошқача бўлиб чиқди. Раисга хизмат қиладиган иккита енгил машинанинг саккизта ғилдираги Косон—Қарши орасида ҳар куни кўча чангитиб турди.

Раис касалхонага келганда, кўзига ёш олиб бундай дерди:

— Қўчқор, соғлиғингдан бошқа нарсани ўйлама, уйрўзғорингдан хотиржам бўл!

Врачлар Тошбадаловни Тошкентда даволаниши лозим деб топишди. Бу хабарни эшитган раис:

— Хотиржам бўл, иним, тезроқ тузал,— деди ғоят ғамхўрлик қилгандай бўлиб.

Мана энди бу ёғини эшитинг: поезд Қаршидан жилиши билан раис Косонга йўл олди.

У эрталаб барвақт туриб, экскаватор бошлаб келди. Қўчқорнинг уйини тептекис қилди-қўйди. Мана касалга, ҳамқишлоққа кўрсатилган марҳамат.

— Эндиги навбат иккинчи танқидчи Хурсанд Равшановга, — деди-да, унинг уйини ҳам ер билан яксон қилиб юборди.

Сиз раисни фақат Қўчқор ва Хурсанднинг уйини бузибди деб ўйламанг, уй-жойидан ажраган колхозчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Уйлар бузилиб, ўрнига экин экилган дерсиз. Йўқ, ҳеч нарса экилмади.

Орзиқуловнинг бульдозерчилик фаолиятини район раҳбарлари икки қўлларини кўтариб тасдиқлайдилар.

— Колхоз ерларини яхлитлаштириш керак-да, дейишади улар.

Хўш, раис шундай номаъқулчиликлар қилса, коммунистлар, колхозчилар қараб тураверадими, дерсиз. Раис бунинг йўлини топиб қўйибди. Башарти мажлис бўлиб қолса, рўйхат тузилади. Рўйхатда сўзга чиқувчиларнинг фамилиялари ёзилади. Бирин-кетин минбарга Пиримов, Рўзиев, Қўлдошев, Расулов, Янгирчиев, Диёров каби «тўти»лар чиқишади:

«Раисимиз раҳбарлигида ишларни дўндиряпмиз, раисимиз омон бўлсинлар». «Раисимиз қилган ишларни санаб битириш қийин», «Раис раҳбарлигида амалга оширилган тадбирларни санаб ўтирмаймиз. Чунки сизларнинг қимматли вақтингизни олишни хоҳламаймиз...».

Кўрдингизми қандай метод топилган. Мажлисда ҳақиқий танқидни авж олдираман, камчиликларни очиб ташлайман деб қўл кўтарган, сўз сўраган кишилар четда қолиб кетаверади.

— Тартиб сақлансин, — дейди раис кўзини лўқ қилиб,— агар ҳаммангизга сўз берилса, мажлис бир йилга чўзилади. Ким мажлис қоидасини бузса, залдан чиқариб юборилади...

Раис эрталабдан кечгача «ишлайди». Эрталаб юз-кўл ювилгач, енгил машина дарвоза олдида пайдо бўлади. У машинага ёнбошлаб олиб, тўғри Кубалак участкасидаги номи меҳмонхона-ю, аслида ишратхонасига келиб тушади. Нонушта икки соат давом этади. Меҳмонхона ходими овқат ташиб улгуролмайди. Шундан кейин идорага борилади. Телефонда у ер-бу ер билан гаплашилган бўлинади, чарчаган кишидек уф тортилади. Қарабсизки, овқат пайти бўлиб қолибди. Машина яна меҳмонхонага қараб ғириллайди.

— Магазинчи Ойшахонни чақиринг, — буйруқ беради меҳмонхонага кирмай туриб.

— Сени нега магазинга мудир қилиб тайинладим, биласанми? Хосиятингними, Тасиннингними чақир, — буюради раис.

Коммунист Ойша Намозова раиснинг айтганини қилмагани учун шартта магазин мудирлигидан бўшатилади.

Кечқурун идорада нутқ яна авж олади: «Хўш, ким планни бажармади, сояпарвар ким, текинга овқат еяётганни кўрсат, бу колхозда текинхўрга ўрин йўқ, мен кўрсатиб қўяман» ва ҳоказо.

Идорадагилар, яъни тур деса туриб, ўтир деса ўтирадиган кишиларнинг жавоби ҳам битта. Ким сўраса, «раис далада» дейишади. Нима кенг — дала кенг. Битта раисни бепоён даланинг қайси бурчагидан топиб бўлади.

Энди бош бухгалтердан эшитинг. Бош бухгалтер район ижроия комитетининг ревизорлиги пайтида колхозни илма-тешик қилиб юборди. Раис ревизор Даврон Фармоновни четга чақириб қулоғига шивирлади:

— Юзакироқ текшир, бош бухгалтернинг мазаси йўқ, ўрнига ўзинг ўтирасан.

Фармонов худди раис айтгандек қилди. Раис ҳам айтганини бажо келтирди. Фармоновни бош бухгалтерликка қўнқайтириб қўйди. Ревизордан чиққан бош бухгалтер раиснинг суянган тоғи бўлиб қолди. Бозордан чорва моллари, дарахт кўчатлари, сабзавот уруғи сотиб олина бошланди. Олинган молларга бир сўм тўланган бўлса, икки сўм деб, ўн сўм тўланган бўлса, йигирма сўм деб қалбаки ҳужжатлар тузилиб, қалбаки имзолар қўйилди. Кўрибсизки, бухгалтер-ревизор раисни бойита бошлади.

Гўшт топширишда ҳам «рекорд» қўйилди. Ўтган йили бозордан 24 туя сотиб олинди-да, улар колхозда етиштирилган гўшт деб топшириб юборилди. Ёғ, тухумлар эса колхозчиларнинг уйларидан олиб чиқилди.

Колхозда Қоракамар деган участка бор. Бу участкага раис тез-тез келиб туради. Бу ерда яшириниб қолинган буғдой экиладиган 330 гектар ер бор. Бунинг ҳосили чап кўчага қараб кетаверади. Бригадир Худойназаров бу билан чекланмай, ишламаган одамларга ведомость тузиб, пул олади, раисга енг ичида ошириб туради. Шунинг учун раис ҳар мажлисда Худойназаровни мақтайди. Худойназаров ўз навбатида раисни мақтайди. Буғдойни сотиш йўли ҳам осон. Пўлати қишлоғидаги магазин мудири Алимардон Раҳматов—раиснинг куёви. Куёв бўлгач, нимадан тап тортсин. Буғдой шу ерда сотилаверади.

Биз колхоздаги кўзбўямачиликни, талон-торожни батафсил ёзиб ўтирмадик.

Колхоздаги аҳволни Косон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Эшонқулов билмаса керак деб ўйламанг. Йўқ, бу ишлардан ўртоқ Эшонқулов хабардор. Ўртоқ Эшонқуловнинг Орзиқуловни кўрганда лаби табассумга бурилиб кетавериши қизиқ.

В. МАҲКАМОВ.
Р. ИСҲОҚОВ.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

КАМХАСТАК

Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлари орасида камхастак номли мевали дарахт кўп учрайди. Камхастак атиргуллилар оиласига мансуб бўлиб, тоғли районларда ўсади. Бўйи 25 метрга қадар бўлади, барги, меваси, ёғочи ғилосникига ўхшагани учун уни ёввойи гилос деб ҳам аташади, аммо меваси майдароқ бўлади.

Камхастак тоғларнинг ёнбағирларида ўсиб, сел, ёмғир ювишининг олдини олади. Мевасини ҳўл ҳолида ва қуритиб истеъмол қилиш, компот, ширин ичимликлар ишлаб чиқариш мумкин. Ёғочи чиройли, эгилувчан бўлиб, мебель саноатида қўлланилса бўлади. Бу дарахт уруғидан ва илдизидан кўпаяди. Йирик гилосзор боғлар ташкил қилишда камхастак питомниклари ҳосил қилиб, парваришланса, биринчи йили 1 метрга қадар ривожланиб ўсади. Унга зотли гилос, олхўри, нок пайванд қилиб ўстириш мумкин. Уруғдан кўкарган ниҳоллар пайванд қилинса, 2-3 йилда ҳосилга киради.

САССИҚМАТАЛ

Сассиқматал — кўп йиллик, шифобахш ўсимлик. У, халқ медицинасида юрак касалликларини даволашда дори-дармон сифатида қадим замонлардан бери қўлланиб келинган. Унинг таркибида глюкозид адонидин моддаси бор. Ўзбекистонда сассиқматалнинг табиий запаслари юз минглаб гектар бўлиб, ундан кўп маҳсулот олиш мумкин. Сассиқматал Сурхондарё областининг Ҳисор тоғларида кўп ўсади. Ҳар йили уруғидан кўпаяди. Май, июнда гуллаб уруғлайди. Айни шу вақтда дори-дармон учун йиғиш тавсия қилинади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг илмий ходими М. И. Пряхин ва аспирант Н. Абдуҳамидов бу ўсимликни ўрганмоқдалар.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

СИЗ УХЛАГАНДА

Ярим кеча. Ҳамма уйқуда. Кун бўйи қилинган фидокорона меҳнатдан сўнг кишилар ором олишяпти.

Шу пайт фақат милиционерларгина ўз постларида сергак туриб, халқ тинчлигини қўриқламоқдалар. Абдумутал Абдуллаев ҳам ўз касбига меҳр қўйиб ишлаётган, халқ осойишталигини сергаклик билан қўриқлаётган милиционерлардан.

1960 йилга қадар, у Оҳангарон кўмир ҳавзасида оддий шахтёр бўлиб ишларди. Озгина бўш вақти бўлди дегунча, милиция ходимларига кўмаклашгани борарди. Орадан кўп ўтмай, уни милиция органида ишлашга таклиф қилишди.

Абдумутал касбига меҳр қўйиб ишлаб, топшириқларни аъло даражада бажара бошлади. 1961 йили унга милиция сержанти унвони берилди. 1962 йили Тошкент шаҳридаги Милиция ходимлари малакасини ошириш курсини битириб қайтди. Унга милиция старший сержанти унвони берилди.

1961 йилдан бери Абдумутал Абдуллаев Оҳангарон посёлкасида милиционер бўлиб ишлаб келмоқда. У, хизмат қилаётган цементчилар шаҳарчасида жамоат тартиби анча яхшиланди. Ўтган бир йил ичида бирор марта хам кўнгилсиз воқеа рўй бергани йўқ.

Абдумутал раҳбарлигида кўнгилли халқ дружиначилари тузилди. Дружиначилар сафида илғор ишчилар, партия, совет ходимлари бор. 1-қурилиш бошқармасидаги коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Нарзулла Бекназаров, Юсуф Усмонов сингари дружиначилар актив ишлаяпти.

Милиционер Абдумутал Абдуллаевнинг хизматидан посёлка меҳнаткашлари ниҳоятда мамнун. 4-қурилиш бошқармасининг ишчилари Владимир Сич, Степан Токарлар кейинги пайтларда ишчи ёшлар ётоқхоналарида спиртли ичимликлар ичиб олиб, жанжал чиқарадиган бўлиб қолдилар. Абдуллаев бу безорилар билан суҳбатлашди. Улар бундай ишларни такрорламасликка сўз бердилар.

Милиция старший сержанти Абдумутал Абдуллаев ўз постида сергаклик билан туриб, халқ осойишталигини қўриқламоқда.

Т. СОЙНАЗАРОВ,
Оҳангарон цемент заводи қурилиши коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси, «Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

«КИТОБ ПАССАЖИ»ГА МАРҲАМАТ

Пойтахтимизнинг Комсомол майдони билан Охунбобоев майдони ўртасида яқинда қад кўтарган беш қаватли бинога жойлашган махсус «Китоб пассажи»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР маданият министри А. Қаюмов китоблар пассажини очиқ деб эълон қилади. Сўнгра Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари Г. Владимиров китоблар пассажи очилишини табриклайди. Китоб магазинларига бирин-кетин кишилар оқими кира бошлайди.

Пассаж — улкан китоб бозори бўлиб, унда оммавий-сиёсий, илмий-техник, медицина ва қишлоқ хўжалик адабиётлари, бадиий асарлар, ўқув-методика китоблари, обуна китоблари, музика адабиётлари, тасвирий санъат асарлари, халқ демократик мамлакатлари китоблари, мактаб-ёзув ва идора буюмлари билан савдо қилувчи 10 та ихтисослаштирилган магазин мавжуд. Бу магазинларда 30 мингга яқин китоб бор.

Китоб пассажига марҳамат қилинг!

А. РАҲИМОВ.

СУД ЗАЛИДАН

ПОРАХЎР

Октябрь район ошхоналар трестига қарашли 6- ошхонанинг зал мудири А. И. Ракова официанткаларнинг ҳар биридан 1 сўмдан 2 сўмгача чойчака оладиган одат чиқарди. Қани, улардан биронтаси Ракованинг томоғини хўлламасинчи, дарҳол қувғин қилинади. Мана далиллар: М. И. Забачева зал мудирининг шартини ўрнига қўйиб, 50 сўм чиқарган эди, ишга олинди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб бекорга айтишмаган. Кунлардан бир кун мудир официантканинг ишидан яна «каноатланмади». Илгариги каби яна дўқ, яна пўписа. Ўрток Забачева ўзим киярман деб олган 3,6 метр крепдешинини мудирнинг кўлтиғига қистириб тинчиди.

Мудир официанткалар А. Д. Волкова, А. А. Терешченколардан навбатдаги пора олаётганида милиция ходимлари уни қўлга туширишди. Яқинда у Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судида ўзининг қабиҳ ишларини бўйнига олди. Порахўр А. И. Ракова икки йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди.

Т. ОРТИҚОВ,
Милиция старший лейтенанти.

Оламда нима гап

ФРАНЦУЗ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ТАБРИГИ

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Франция Миллат мажлиси коммунистлар группаси томонидан бугун кечқурун эълон қилинган баёнотда бундай дейилади: «Коммунист депутатлар совет космонавтлари Валерий Биковский ва Валентина Терешковаларнинг буюк жасоратини зўр шодлик билан табриклайдилар. Икки «Восток»нинг Ер атрофини айланиб учаётганлиги совет фанининг янги ғалабаси бўлиб, бу ғалаба инсониятга ва тинчликка хизмат қилади».

Космик кемалардан бирининг бортида собиқ тўқимачи, ҳозир эса биринчи космонавт аёл кишининг бўлиши, деб таъкидланади баёнотда, социализм мамлакатида хотин-қизлар жуда катта роль ўйнаётганлигини ва шу билан бирга капиталистик зулмдан озод бўлган мамлакат ёшлари олдида нурли истикболлар очилганлигини исбот қилади. Социализм мамлакати, техника, фан ва маданият соҳасида яна буюк ишларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиққанлиги жуда ибратлидир.

Б. ГУПТА: «КОММУНИСТЛАР КПССНИНГ ТАШАББУСИ ВА ИШЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР»

ДЕҲЛИ, 19 июнь. ТАСС мухбирлари **В. Никитин** ва **В. Матяш** хабар берадилар:

Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг секретари Бхупеш Гупта ТАСС мухбирлари билан суҳбатда айтдики, биз КПСС Марказий Комитетининг Москвада очилган Пленуми ишларини зўр эътибор билан кузатиб бормоқдамиз.

Ўртоқ Ильичевнинг доклади, деди Гупта, марксча-ленинча назариянинг ажойиб намунасидир. Бу доклад КПСС ва совет халқининг донишмандлигини ва кўп тажриба тўплаганлигини исбот қилади.

КПССнинг тарихий XX съездидан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг раҳбарлари марксча-ленинча назария ҳамда практикани ривожлантириш ишига ижодий ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бу ҳисса — халқаро коммунистик ҳаракатнинг авангарди бўлган улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига муносиб ҳиссадир. Бу ҳисса бутун жаҳон коммунистларини тинчлик учун, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашга илҳомлантиради. Бу ҳисса жаҳон революцион ҳаракатининг тўғри йўлларни топа олишига ва ҳозирги кунда қиёфаси мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ўзгариб бораётган дунёда тўғри йўналишни белгилашига ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети принципиал масалалар юзасидан қатъий позицияни сиёсат масалаларидаги эпчиллик билан қандай бирга қўшиб олиб бориш кераклигини барча компартияларга кўрсатиб бермоқда. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати ана шу ленинча методни яққол кўрсатувчи намунадир. Шу нарса тамомила тўғрики, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашни ҳозирги кунда умумий тинчликни сақлаш учун курашдан ажратиш мумкин эмас. Марксизм-ленинизм идеологияси билан, деди Гупта, буржуа идеологияси тинч-тотув яшаши асло мумкин эмас. КПСС, бир томондан, турли социал системалардаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш учун қандай кураш олиб бориш кераклигини ва, иккинчи томондан, идеология соҳасида муросасиз курашни қандай олиб бориш кераклигини кўрсатиб бермоқда.

Биз ўз тажрибамиздан шуни яхши биламизки, ҳозирги вақтда Қўшма Штатларнинг империалистлари реакцион буржуа идеологиясининг илҳомчисидир ва антикоммунизм ҳозирги кунда уларнинг шиоридир.

Ўртоқ Ильичевнинг идеология кураши икки фронтда — ревизионизмга қарши ва догматизмга қарши олиб борилиши керак, деган гаплари жуда тўғридир. Марксча-ленинча идеологиянинг тўла тантана қилмоғи учун бир-бири билан боғланган ана шу икки тенденцияни йўқотиш жуда зарур.

Барча коммунистлар КПССнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуси ва ишларини табриклямоқдалар ва тўла маъқулламоқдалар.

Ўртоқ Ильичевнинг доклади революцион назария руҳи билан, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми руҳи билан, улуғ совет халқининг яратувчилик кучларига чексиз ишонч руҳи билан суғорилган. Коммунизм қуришдан иборат шонли иш билан банд бўлган совет халқи жаҳон миқёсида тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажармоқда. Биз КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишига муваффақиятлар тилаймиз.

ИРОҚ КУРДИСТОНИДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 19 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Лондондаги араб доираларидан маълум бўлишича, Зибари курд қабиласи деярли Ироқ ҳукумати томонига ўтган. Ироқ ҳукумати Мустафо Барзоний раҳбарлигидаги курдларга қарши ҳарбий операцияларда ана шу қабиладан фойдаланган эди.

Лондондаги араб манбаларидан яна маълум бўлишича, Мустафо Барзоний қўл остидаги кучлар Ироқнинг мунтазам қўшинларини жиддий маглубиятга учратганлар. Барзоний отрядлари шаҳарларни мустасно қилганда, Шимолий Ироқнинг бутун тоғли районини назорат қилиб турибдилар. Киркук ва Айнзал теварагидаги (Мосул яқинида) нефть иншоотларининг бир қисмини аслида Барзоний қўл остидаги курдлар назорат қилиб турибдилар. Ироқ мунтазам армиясининг қисмлари шаҳарларга чекинишга мажбур бўлдилар.

ЎН САККИЗЛАР КОМИТЕТИДА

ЖЕНЕВА. 19. июнь. (ТАСС). Ўн саккизлар комитетининг бугунги ялпи мажлисида ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини муҳокама қилиш давом эттирилди. Мажлисда Канада, Польша, СССР ва АҚШ накиллари сўзга чиқди.

С. К. Царапкин (СССР) қуролсизланиш масаласи юзасидан деярли беш ойлик узлуксиз музокараларнинг якунларига тўхталиб, комитетда вужудга келган аҳволга баҳо берди ва комитетнинг ишида бўладиган танаффус вақтида ҳамма делегациялар ёппасига ва батамом қуролсизланишга нисбатан ўз позицияларини ҳар томонлама ўйлаб чиқсинлар, деган истак билдирди. С. К. Царапкин музокараларда қатнашувчи Ғарб давлатлари делегатларига мурожаат қилиб, улар беш ҳафтадан сўнг Женевага қайтиб келганларида тезликда битимга эришишга ёрдам берадиган позицияларда туриб ҳаракат қиладилар, деб умид билдирди.



Чехословакия Социалистик Республикаси. Катта индустрия, олий ўқув юртлари, кино театрлар, гўзал уй-жой бинолар шаҳри бўлган Братислава кун сайин гуллаб-яшнамоқда. Суратда: бахтиёр ёшлар мактабдан қайтиб келаётирлар. Улар кейинги пайтларда қурилган ана шу кўпқаватли янги уйларда яшайдилар.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ЛАГЕРЬ ҚУЧОҒИДА

Каттақўрғондан етти километрча масофада Кўкан қишлоғи жойлашган. Кўкаламзор, соя-салқин, жилғалар шарқираб оқиб ётган бу жой кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Каттақўрғон шаҳар партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан яқинда бу ерда янги пионерлар лагери очилди. Унда Ингичка кони меҳнаткашларининг фарзандлари дам олишади. Икки сменада ишлайдиган бу лагерда ҳозир 120 бола дам олмоқда. Мавсум охиригача эса 250 бола дам олиши мўлжалланган. Лагерда ёшлар учун ҳамма нарса муҳайё.

М. ҚОБИЛОВ.

ФУТБОЛ

Кеча «Пахтакор» стадионига йиғилган футбол ишқибозлари майдон эгаларининг кетма-кет маглубиятидан кейин бу гал ғалаба қозонар деган умидда эдилар. Аммо, бу умид рўёбга чиқмади. «Пахтакор» «Торпедо» (Москва) билан бўлган учрашувга бутун кучини сарфлади. Лекин ҳужумчиларга жуда яхши ёрдам бериб турган ҳимоячи ва ярим ҳимоячиларнинг меҳнати натижа бермади. Ҳужумчилар тўпни дарвозага аниқ тепа билмаслик «касали»дан қутула олмаганликларини бу ўйинда яна бир марта кўрсатдилар. Ҳар галги ҳужумда тўп гоҳ дарвоза тепасидан, гоҳ дарвоза ёнидан ўтиб кетди, айрим тўпларни эса меҳмонларнинг дарвозабони Кавазашвили усталик билан қайтариб турди.

Шундай қилиб навбатдаги учрашувда ҳисоб очилмай қолди.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

РАДИО

21 ИЮНДА

Биринчи программа: 8.25 — Музикали драмалардан парчалар. 10.10 Пионер эрталиги. 10.30 — «Етмишта медаль» (музикали ҳикоя), 11.25 — Концерт (Ўзбекистон халқ ҳофизи О. Имомхўжаев ижросида), 12.10 — Ешлар учун (рус тилида), 12.25 — Концерт (мелодист композиторлар асарларидан), 13.30 — Концерт (О. Лундстрем раҳбарлигидаги оркестр солистлари ижросида), 15.30 — Концерт (Ўрта Осиё санъат усталари ижросида), 16.10 — Адабиёт ҳақида суҳбат (рус тилида), 16.30 — Опералардан парчалар, 18.15 — «Ажойиб боғ» (рус тилида), 18.30 — Болтиқ бўйи республикалари композиторлари асарлари, 19.20 — Халқ демократияси мамлакатларининг қўшиқ ва куйлари, 20.00 — Саноат темасида (рус тилида), 20.10—Концерт (корейс куйларидан), 20.45 — Идеология ва турмуш, 22.10 — Поэзия кечаси (ўзбек тилида), 22.30 — Қўшиқлар, 23.15 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Чумоли Ферда** (мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун қўғирчоқ фильми), 18.35—**Ўзбекистонда фан тараққиётининг истиқболлари** (олимлар суҳбати), 19.00 —**Телевизион янгиликлар**, 19.20 — **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун**, 19.35 — **Кўчалар унутмаган номли** бадиий фильм.

Рус тилида: 21.00 — **Халқаро масалалар**, 21.20 — **Телевизион янгиликлар**, 21.40 — **Совет Тожикистони** киножурнали ва **Насриддин Бухорода** номли кинокомедия

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.10 — **Инсон ҳаво океанини забт этмоқда** (илмий-оммабоп лекторий), 19.40 — **Узоқ ва яқин** (В. Железняков пьесаси асосида телеспектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — гастролга чиқиш олдидан — 21/VI да **Ишқинг билан**, 22/VI да **Тошболта ошиқ**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 21, 22, 23/VI кеч соат 9 да **Ўзбек давлат эстрадаси концертлари**. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, эстрада солистларидан **Фаҳриддин Умаров, Тўхта Рисметова, Дилбар Абдуллаева** ва чолғу ансамбли қатнашади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. 21/VI даги концертдан тушган йиғим «Тинчлик фонди»га топширилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Жангда тобланган ёшлик — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 да).

Римлик журналист — «МИР», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Номсиз, қашшоқ, аммо гўзал — «ВАТАН» (кундуз соат 1,3, кеч 5 ва 7 да)

Капрон тўр — «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Йўқлаб олинг — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 6 да).

Петербург кечаси — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Энди ўқишни тамомлашмайди — «ЮЛДУЗ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Уч мушкетёр (1-серия, тоқ соатларда), **Сўнгги дюйм** (кеч соат 6 ва 8 да) — «ВОСТОК».

ЕЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10-40 минутда)

Эркин шамол — «ВАТАН».

Утган ёзда — НАВОИЙ номли.

Прогрессивний проезд, 6-уйда турувчи **Георгий Александрович Сатониннинг** Чилонзор массив, 103-уй, 39-квартирада турувчи Нинель Никитична Сатонинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Луначарский шоссе, 69-уйда турувчи **Ефим Иосифович Поташниковнинг** Калининград шаҳар, Зоологический тупик, 1-уй, 1-квартирада турувчи Людмила Алексеевна Поташниковадан ажралиш ҳақидаги иши Калининград шаҳар, Центральчий район халқ судида кўрилади.

Каблуков кўчаси, 14-уйда турувчи **Юрий Сергеевич Смирновнинг** Братск кўчаси, 28-уйда турувчи Ирина Давидовна Смирновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Курск проезд, 21-уйда турувчи **Малик Солиевич Тожибоевнинг** Сочи кўчаси, 24-уйда турувчи Чаман Ориповна Тожибоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Собир Раҳимов кўчаси, Анҳор проезд, 21-а уйда турувчи **Лазокат Исроиловна Ортиқхўжаеванинг** Туркқўрғон кўчаси, 56-а уйда турувчи Қудрат Тожиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254. 30255, 30256 30257, 30258. Редакция телефонлари: Секретариат — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451 Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 08293. Индекс 64543. Нашр. № 144.